O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 18-aprel, chorshanba * № 17 (769) * 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * elektron manzil: hurriyat@doda.uz * www.uzhurriyat.uz

### МУҚАДДАС ҚЎРҒОННИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ



Ривоятнинг давоми:

Эр-хотин тақдир ҳукмини гул қаламчасига ҳавола этганича уни боғнинг бир чеккасига ўтқазибди. Кунлардан бир куни тонг саҳар эр уйғониб қараса, ўғли жойида йўқ эмиш. У жон ҳолатда хотинини уйғотибди. Икковлашиб у ёқни қарашибди, бу ёқни қарашибди, бола йўқ. Кейин улар — бири ялангбош, бири ялангоёқ ҳовлига отилибди...

➪ 3-бет

### ЭНГ ЙИРИК ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



Бугун дунё мамлакатларида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Яқинда Саудия Арабистонида дунёдаги қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи улкан қурилма ишга туширилди.

➪ 5-бет

### ТУРКМАН КИНОСИ КУНЛАРИ



Туркман киноси кунлари доирасида ўзбек кино мухлисларига тақдим этиладиган катта экран асарлари «Туркманфильм» студиясида суратга олинган «Ўғил», «Беллашув», «Тушда ва ўнгда», «Тақдир йўлларида», «Сомон йўли», «Нақш», «Туркман гиламлари» сингари бир қанча бадиий ва ҳужжатли фильмлардан иборат.

➪ 8-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

* **11 апрель куни "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирди.**
* 12 апрель куни "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди.
* **12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга имзо чекди.**
* 14 апрель куни Президентимизнинг "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.
* **Германия пойтахтидаги "Мессе Берлин" кўргазмалар мажмуида "ITB - 2012" сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 187 давлатидан 1 минг иштирокчи, жумладан, Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар.**
* Тошкентда Хитойнинг ZTE корпорацияси томонидан илғор темир йўл сигнализация технологиялари ва телекоммуникацияларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.



**«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.**



### Тараққиёт робиталарида

Жаҳон бозорларига аксарият йўл Тошкент вилояти орқали ўтади, десак янглишмаймиз. Шаҳар ва қишлоқларимизда сифатли, хорижий юртларда ҳаридоргир, юқори технологияли маҳсулотлар тобора кўпроқ ишлаб чиқариляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги фармони бу жараённи янада жадаллаштириб юбориши шубҳасиз. Зеро, бу махсус индустриал зонани шакллантириш хорижий ва маҳаллий инвестициялар учун қулай шарт-шароитлар яратиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришни кенгайтириш, вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс, самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш ўринларини яратиб, аҳоли даромадларини оширишни асосий мақсад қилиб қўймоқда. Бу кенг кўламли ишлар Корея Республикасининг айни шу кунларда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ниятида Тошкент вилоятига ташриф буюрган Пхёнтек шаҳри делегацияси аъзоларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Вилоят ҳокимлигидаги учрашув чоғида улар «Ангрен» махсус индустриал зонасининг истиқболлари билан таништирилди.

2 »

## Рақобатбардош маҳсулотлар — жаҳон бозорига

Бугун халқимизнинг тадбиркор вакиллари дунёдаги ҳамкорлари билан савдо-сотиқ қилмоқда. Буюк ипак йўлида мамлакатимиз сарҳадлари сари елиб келаётган транспорт воситалари карвонлари тобора ортиб боряпти. Бу биз азиз ва мўътабар диёр деб фахрланадиганимиз — мустақил Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан бақамти муносабатларга киришиб бораётганидан далолатдир. Темирйўл, ҳаво ва дарё транспорти юртимизни жумлаи жаҳон билан тобора мустаҳкам боғламоқда.



### Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан

## Мустақил, суверен ва демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори

1992 йилда мамлакатимиз Асосий Қонунининг қабул қилиниши мустақил, суверен ва демократик давлат – Ўзбекистон Республикасининг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилганлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини, биринчи навбатда, биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўрамиз".




Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг эркинлик сари узоқ йўлдаги изланишнинг натижасидир. Зеро, биринчидан, Конституцияни яратишда уч минг йиллик миллий давлатчилик тажрибасига таянилди. Бугунги Ўзбекистон қадимги Хоразм ва Сўғдиёна, Қорахонийлар, Амир Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари, халқимизнинг тарихий анъаналари ва мустақил давлат ҳақидаги кўп асрлик орзусини мужассам этган.

Иккинчидан, манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Асосий Қонунимиз Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг 97 та мамлакати тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олган. Агар жаҳон конституциявий ривожланиши билан боғлаб кўриб чиқиладиган бўлса, уни XX асрнинг охирги ўн йиллигида дунёда қабул қилинган "учинчи авлод конституциялари" сирасига киритиш мумкин.

**Конституция Ўзбекистон халқларининг хоҳиш-иродаси, руҳи, ижтимоий онги ҳамда маданиятини акс эттиради**. У ўзида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини мужассам этган ҳолда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, фуқароларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

2 »

## Талабаларнинг медиа-конференцияси

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талабаларнинг анъанавий III медиа-конференцияси бўлиб ўтди. Ахборот технологияларининг журналистика соҳасидаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган мазкур анжуман Ўзбекистон Миллий университети томонидан «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Sarkor Telecom» интернет провайдери, «UzInfoCom» маркази, «Ucell» компанияси, Республика Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Медиа-конференцияда ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларини жадал ривожлантириш, уларни жамият ҳаётининг барча жабҳаларига кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ректори F.Муҳамедов, журналистика факультети декани М.Мирсоатова замонавий ахборот технологияларини медиа соҳага кенг жорий этиш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш жараёнида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда, мобиль алоқа, интернет каби замонавий воситалардан фойдаланувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча бўғиндаги ўқув муассасалари, ахборот-ресурс марказлари «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғига уланган. Олий ва ўрта махсус таълим тизимида оптик толали юқори тезликдаги «Миллий электрон таълим тармоғини қуриш» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Илғор ахборот-коммуникация технологиялари интернет-журналистиканинг ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда. Бугунги кунда юртимиздаги аксарият босма нашрлар ўзининг веб-сайтига эга экани ва улар мунтазам янгилаб борилаётгани, оммавий ахборот воситаси мақомига эга кўплаб интернет-нашрлар фаолият юритаётгани шундан далолатдир.

Аммо интернет тармоғида миллий манфаатларимиз, маънавиятимизга зид маълумотлар ҳам борки, бу ёшларда ушбу тармоқдан тўғри ва оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, сайтларни ёшлар учун фойдали, ранг-баранг ва қизиқарли маълумотлар билан бойитиш, сифат ва мазмун жиҳатдан доимий янгилаб боришни талаб этмоқда.

Медиа-конференцияда интернет-журналистиканинг истиқболларига доир маърузалар муҳокама этилди. Энг яхши талабалар сайти, энг яхши ғоя, энг яхши блог, фаол ташкилотчи-талаба каби йигирмага яқин номинация бўйича ғолибларга сертификат ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

# Мустақил, суверен ва демократик давлатнинг ҳуқуқий пойдевори

(Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонун устуворлиги, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципи белгилаб берилди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизи яратилди. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти учун ҳуқуқий асос яратилди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмлари тасдиқланди, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатлари, ҳар бир фуқаронинг ҳокимиятнинг ваккиллик органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Ҳаётимизнинг Бош Қомуси миллий истиқлол ғоясини ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий мероси тикланишини таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Кўпукладли иқтисодиёт асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди. Миллий хавфсизлик ва мудофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимиз фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда, мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Асосий Қонунда мустаҳкамланган қоидалар демократия "тарози"сида ўлчанадиган бўлса, тўла ишонч билан айтиш мумкинки, у жаҳондаги энг демократик конституциялардан биридир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради", дейиш учун тўла асосларимиз бор"**.

Ўзбекистоннинг амалдаги Конституцияси Муқаддима, 26 бобга ажратилган, 6 бўлимда бирлаштирилган 128 моддадан иборат. Асосий Қонун Муқаддимасининг моҳияти қуйидагича: Конституцияни халқ қабул қилади, халқ мамлакатнинг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиб, унда ўз иродасини ифода этади.

**Биринчи бўлим** — конституциявий тузум асосий принципларининг мажмуаси, **иккинчи бўлим эса** — инсон ҳуқуқлари бўйича "ўзбекча билл"дир. Бошқача қилиб айтганда, иккинчи бўлимда инсон шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларининг яхлит ва кенг қамровли тизими мустаҳкамланган. Бу ўринда, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлим давлат органлари тизимига бағишланган бўлимдан аввал келишига алоҳида эътибор қаратилиши даркор. Яъни давлат ҳуқуқларни тақдим этмайди, фуқаронинг ўзи унга эркинлик билан берилган ажралмас табиий ҳуқуқлардан онгли ва масъулиятли равишда фойдаланади.

**Конституциянинг учинчи бўлими** ўзига хос, чунки бошқа мамлакатларнинг бирортасида бундай ҳолат учрамаслиги эҳтимоли бор. Бу бўлимнинг асосий мақсади фуқаролик жамияти анъаналарини тиклаш, ижтимоий бирлашмалар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

**Тўртинчи бўлим** — давлат ва маъмурий ҳудудий бошқарувга бағишланган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида алоҳида боб кўзда тутилган.



**Бешинчи бўлимда** ҳокимият ваколатлари бўлиниши тамойили асосида давлат ҳокимияти органларининг янги тизими мустаҳкамлаб қўйилган, олий ва маҳаллий органларнинг тузилиши очиб берилган.

**Олтинчи бўлим** Конституцияга ўзгартириш киритиш тартибини белгилаган.

Конституциянинг тузилиши, **биринчидан**, фуқаролараро тинчлик, яъни миллий ва ижтимоий бирликка, **иккинчидан**, шахс эркинлиги ва танлаш эркинлигига, **учинчидан**, мафкуравий ҳурфикрлилик ва сиёсий барқарорликка, **тўртинчидан**, барқарор иқтисодий ўсиш ва фаровонликка, **бешинчидан**, давлат томонидан халқ ва жаҳон ҳамжамияти олдидаги ўз мажбуриятларини бажарилишига эришишга қаратилганлигини кўрсатади.

Демократия ҳамда инсон ҳуқуқларининг конституциявий асоси умуминсоний ва миллий қадриятлар бирлигини ифода этади.

Халқаро ҳуқуқ конституциявий қурилишнинг муҳим манбаси сифатида белгиланган. Бу дегани, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, демократия идеаллари, фуқаролик жамиятини, миллатлараро тинчликни таъминлашга содиқликни билдиради.

**Мамлакатимиз халқи ғарб маданиятида учрамайдиган ўз ҳуқуқларини жамоавий ҳимоя қилиш механизмига эга**. Бу — маҳалладир. Зарур бўлганда, у нафақат моддий ёрдам кўрсатади, балки халқ орасида обрўга эга оқсоқоллар орқали оила, аёллар, қариялар, болалар ҳуқуқлари бузилмаслигини кузатиб боради. Шу маънода, маҳалла ҳуқуқнинг алоҳида субъектига айланмоқда. Бу одамларга низолар келиб чиққанда ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Конституцияси — давлат, жамоат, маънавий-маданий эҳтиёжлар ҳамда барқарор конституциявий ривожланишнинг ижодий бирлигидир.

Ўзбекистон Конституцияси шахс — жамият — давлат қадриятлари устуворлигини белгилаб беради.

**Шахс** — эркин, онгли, мустақил фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир.

**Фуқаролик жамияти** — ўзини ўзи ташкил этган халқ — ҳар қандай ҳокимиятнинг ҳақиқий эгаси ва манбасидир.

**Давлат** — суверен демократик, дунёвий, ҳуқуқий — шахс ва жамият манфаатларининг ҳимоячисидир. Шунга кўра, Конституция фуқаро, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзига хос шартнома ҳисобланади.

**Демократия ва инсон ҳуқуқлари жамиятимизда нафақат қонунларда, халқнинг онгида, унинг маънавий тажрибасида ҳам ўз ифодасини топган.** Инсон ҳуқуқларини тўла ҳимоя қилиш ва шахсни ҳурмат қилиш миллий маданиятимизни, суверен давлатчилигимизни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонда шарқона маданиятга хос бўлган оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимо энг инсонпарвар қадриятлардан ҳисобланган. Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оила ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини бўлган. **Оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида 2012 йил Ўзбекистонда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди.** Айнан шу демократик хусусияти, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқлиги боис Ўзбекистон Конституцияси янги давлат тузумига ўтиш даврида конституциявий майдон чегарасида тизимли ва изчил ислоҳотларнинг амалга оширилишини таъминлаб берадиган асосий ҳуқуқий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

**Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланишида икки алоҳида босқични кўрсатиш мумкин.** Уларнинг ҳар бири мамлакат тарихида ўзига хос ўринга эга.

**Биринчи босқич — 1991-2000 йиллар:** бирламчи конституциявий ислоҳотлар ва миллий ҳуқуқий давлатчилик ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини шакллантириш босқичи. Бу босқичда демократик ҳуқуқий давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг конституциявий асослари белгилаб олинди, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати шаклланди. Айнан шу йилларда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олтита асосий ҳужжатига қўшилди.

Конституциявий ривожланишнинг биринчи босқичи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

— **биринчидан,** барқарор конституциявий тартиб ўрнатилди. Барча давлат органлари Конституция доирасида шаклланган ва амал қилмоқда. Парламент ва Президент сайловлари ҳамда маҳаллий сайловлар буни яққол кўрсатди. Демократик эркин сайловлар орқали мамлакатнинг сайлов корпуси томонидан давлат ҳокимияти бу даражада легитимация қилиниши Ўзбекистон тарихида ҳали бўлмаган;

— **иккинчидан**, иқтисодий соҳада мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулкнинг тенглиги, тадбиркорлик эркинлиги ўрнатилиб, Конституция ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари ривожланиши учун зарур шарт-шароит, кафолат яратиб берди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давлатнинггина эмас, балки жамиятнинг ҳам вазифасига айланди. Чунки кучли ва очиқ фуқаролик жамияти иқтисодий фаолият эркинлигисиз мавжуд бўла олмайди;

— **учинчидан,** сиёсий соҳада ҳам Конституция ҳуқуқий давлатчиликнинг энг зарур мезонларига мувофиқ тарзда эркинлик ва демократияни етарли даражада таъминлаб берди. Мамлакатда сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрлик, сўз ва ахборот эркинлиги ўрнатилди. Фуқаро жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган барча сиёсий ҳуқуқ, эркинликларга эга бўлди.

— **тўртинчидан**, давлат тузилиши соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгиси — ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципи асосида давлат органлари тизими шакллантирилди.

**2001-2010 йилларни қамраб олган иккинчи босқич ҳам муҳим аҳамиятга эга.** Бу фаол конституциявий ҳуқуқ ижодкорлиги даври бўлди. Бу босқичнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

— **биринчидан**, қонун қабул қилишда умумдавлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларни эътиборга оладиган икки палатали парламентни шакллантириш асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш;

— **иккинчидан**, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларнинг муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, давлат тузилмалари фаолияти мониторингини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг обрўси ва аҳамиятини ошириш;

— **учинчидан**, суд тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислоҳотлар, ўлим жазосини бекор қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, "хабеас корпус" институтини жорий қилиш, адвокатура ролини ошириш;

— **тўртинчидан**, инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида кенг маърифий ишларни олиб бориш.

**Иккинчи босқичда** конституциявий ислоҳотлар натижасида мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи — икки палатали Олий Мажлис шакллантирилди. Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга берилиши ҳамда Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши икки палатали парламент ваколатини кенгайтириш, қонун чиқарувчи ҳамда ижроия ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Шундай қилиб, Конституция халқимизга ларзаларсиз бир ижтимоий-сиёсий тизимдан бошқа тизимга ўтишга ёрдам берди, "ўзбек модели"нинг мустаҳкам ҳуқуқий асосига айланди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

**Акмал САИДОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**

Ушбу материал Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда тайёрланди.



# Рақобатбардош маҳсулотлар — жаҳон бозорига

(Бошланиши 1-бетда.)

Кейинги йилларда бу ерда янги-янги логистика-экспорт корхоналари барпо этилди. Чунончи, Ангрен шаҳрида замонавий технологияли, электр қувватини тежайдиган ускуналар билан жиҳозланган хорижий сармоя асосида бунёд этилган «Accord textile» масъулияти чекланган жамияти цехларида ишлаб чиқариш йўлга қўйилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин хорижга экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури қисқа фурсатда ўттиздан ортиб кетди.

— Ҳозиргача фабрикамизга 269 минг доллар миқдорида сармоя киритиб, асосан ёшлар учун 212 та иш ўрни очдик, — дейди қўшма корхона директори Абдухшба Алан Абдулфатаҳ. — Бу йил яна 200 минг доллар сармоя киритиб, янги қувватларни ишга тушириш лойиҳасини амалга ошираяпмиз. Шунда яна 114 та йигит-қизни ишга қабул қиламиз.

Дарвоқе, Тошкент вилоятининг қайси шаҳри ёки туманига борманг, шу сингари янгиликларнинг устидан чиқасиз. Вилоят тадбиркорларининг хорижий мамлакатларнинг янги технологиялар ишлаб чиқарувчи компаниялари, замонавий қувватларни барпо этиш лойиҳаларига сармоя киритиш салоҳияти катта бўлган ишбилармонлари билан бевосита алоқалари тобора кенгайиб бораяпти. Шу тариқа давлатимиз раҳбарининг «Рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ғоят муҳим» экани ҳақидаги кўрсатмалари бу жараённи жадаллаштиришга оид ташаббускорлик ва изланишларга янги куч бағишламоқда.

— Натижада шаҳар ва туманларимизда жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилувчи корхоналар ҳам хорижий ҳамкорларга жўнатилаётган маҳсулотлар тури ҳам кўпайиб бораяпти, — деди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Лазизжон Олимжонов. — Изчил амалга оширилаётган истиқболли дастурлар вилоят тасарруфидаги ҳудудий экспортчи корхоналаримизнинг ташқи бозорлардаги салоҳиятини ошириб, ташқи савдо кўламининг кенгайишига хизмат қилмоқда. Ташкилий-техникавий тадбирлар натижасида вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар халқаро бозорларга дадил кириб бормоқда. Ўтган йили тадбиркорларимиз жаҳоннинг 105 дан ортиқ мамлакати билан савдо-сотиқ алоқаларини амалга оширишди. Вилоятимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бугун асосий ҳамкорларимиз Хитой, Эрон, Буюк Британия, Германия, Польша, АҚШ, Италия, Япония, Россия Федерацияси, Украина бозорларига кириб бормоқда.

Сўнгги бир йилда вилоят тасарруфидаги ҳудудий экспортчи корхоналаримиз томонидан 678,8 миллион доллардан зиёд товар ва хизматлар экспорт қилинди. Натижада бу кўрсаткич 2,5 баробар ортди.

Бу, албатта, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турганларида қувватларни модернизациялаш, янги техника ва замонавий технологияларни белгиланган муддатларда ишга тушириш самарасидир. Ангрен шаҳридаги «Accord textile» билан олдин-кейин, Зангиота туманидаги «Ҳадичабону Барака», Оққўрғон туманидаги «Бахтиёр Беҳруз агро», Оҳангарон туманидаги «Термо Дом», Ўрта Чирчиқ туманидаги «Супер Рол», Юқори Чирчиқ туманидаги «Алиф Гранд корпорейшн» каби янги корхоналар тайёр маҳсулот экспорти билан шуғуллана бошлади. Умуман, 20 дан ортиқ янги қувватлар ҳисобига экспорт маҳсулотларининг тури кўпайди. Бугун 150 дан зиёд ҳудудий корхона ўз товар ва хизматлари билан жаҳон бозорига чиқаяпти.



Экспорт таркибида тайёр маҳсулот сезиларли кўпайди. Бугун вилоятимиз хорижий шерикларга шартномалар асосида пахта толаси, қора ва рангли металлардан тортиб, машина, асбоб-ускуна, трансформатор, гипсокартон, қурилиш материаллари, кимё саноати маҳсулотлари, тайёр кийим-бош, озиқ-овқат, ҳўл ва қуритилган мева-сабзавот етказиб бермоқда. Шунингдек, экспорт ҳажмида хизмат турларининг салмоғи ҳам ортиб бораяпти, Бугун ишбилармонларимиз хорижий шерикларга транспорт-экспедиторлик, туризм, логистика ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатишяпти.

Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш иқтисодиётни замонавий асосларда юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилаяпти. Сўнгги бир йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида 127,2 миллион доллардан зиёд сармоя ўзлаштирилди . Унинг 52,5 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлардир. Енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, машинасозлик, металга ишлов бериш, кимё ва нефть-кимё саноати соҳаларига хорижий инвестициялар кўплаб жалб этилаяпти. Ҳозирги пайтда хорижий сармояларнинг 28,2 фоизи енгил саноат, 24,2 фоизи озиқ-овқат, 7,4 фоизи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 8,1 фоизи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, 3,7 фоизи нефть-кимё саноати соҳаларига киритиляпти.

Қулай инвестиция муҳити, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун турли хил хомашёлар, салоҳиятли ишчи кучининг етарли эканлиги, ривожланган инфратузилма каби омиллар хорижий сармоядорларни қизиқтириб, вилоятнинг инвестицион салоҳияти барқарор юксалиб боришига таъсир кўрсатмоқда.

Шуни қайд этиш кифояки, кейинги бир йилда шаҳар ва қишлоқларимизда хорижий инвестиция эвазига 51 та янги корхона барпо этилди. Эндиликда рўйхатдан ўтган бундай корхоналар 432 тага етди. Улар Буюк Британия, Россия, Корея, АҚШ, Германия, Хитой, Швейцария ва бошқа давлатлардаги ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилди. Янгийўл туманидаги «Глобал Комско Даewoo», Бўстонлиқ туманидаги «Осборн текстил», Зангиота туманидаги «Сингапур Самарқанд», Қибрай туманидаги «Хай Тек кабел», Оҳангарон туманидаги «Корай текстил», Юқори Чирчиқ туманидаги «Текстайл техноложиез груп» корхоналари уларнинг энг йириклари ва замонавийларидир. Ўтган йили ўндан ортиқ хорижий инвестиция ҳисобига қад ростлаган янги корхоналарда экспортбоп қоғоз, тикувчилик ва тўқувчилик маҳсулотлари, гиламлар, салқин ичимликлар ишлаб чиқарила бошланди.

Фаоллар йиғилишида 2012 йилда вилоятни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилиш чоғида маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни 2,6 баравар кўпайтириш режаси белгиланди. Буни амалга ошириш ишлари бошланиб кетди. Ҳозирги кунда юқори технологик, энергия ва ресурсларни тежовчи ишлаб чиқариш тизимини яратиш, ишлаб турган қувватларни модернизациялашга чет эл инвестициясини жалб қилишни кўпайтириш дастурлари изчил амалга оширилаётир. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида бу йил умумий қиймати 132,7 миллион доллар бўлган 150 та лойиҳани амалга оширишга киришилди. Шу мақсадда бўш турган бинолардан оқилона фойдаланилаётир. Бу саъй-ҳаракатлар экспортга маҳсулот тайёрловчи корхоналарни кўпайтириб, уларнинг салмоғини янада оширади.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

Суратларни Еркебой БОТИРОВ олган.

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

# Муқаддас қўрғоннинг олтин қоидалари



## ПИЁЗСИЗ ОВҚАТ

Пиёзсиз овқат ҳам бўларканми, деб ўйлаётгандирсиз? Қилса бўлади. Турмушда қандай ҳолатлар бўлмайди, дейсиз. Иложи топилмаганда шундай таомни тайёрлаш ҳам мумкин. Яъни вазият тақозоси билан қўшнидан пиёз сўрашга истиҳола қилганингизда, ёки шу дақиқада ёнингизда пул бўлмай қолганда пиёзсиз ҳам овқат қилса бўлади. Аёл шундай қилди — икки кун пиёзсиз овқат пиширди. Балки у эрига уйда пиёз тугаганини айтганида турмуш ўртоғи бировдан бўлса-да, пул топиб олиб келарди. Лекин у эрининг шундоғам иши кўплигини, бунинг устига ойликка қараб қолинганини билгани учун гапни кўпайтирмади — пиёзнинг тугаганини баҳона қилиб оила аъзоларини овқатсиз қолдирмади...

Худди шундай ҳолат бошқа оилада ҳам содир бўлди. Эр уйига қўнғироқ қилиб, хотинидан нима овқат тайёрлаётганини сўради. Хотин:

— Уйда пиёз тугаганига икки кун бўлди. Шунинг учун кеча тухум қовуриб бергандим. Бугун эса овқат йўқ. Олдин рўзғорни бутлаб қўйиб, кейин овқатга буюртма беринг. Пиёз олиб келсангиз овқат ейсиз, бўлмаса оч ўтирасиз. Жонга тегди, ҳали у, ҳали бу етишмаслиги. Қачон сиз ҳам одамларга ўхшаб қуни-қўнжингиз тўлиб келади, билмайман.

Тамом. Хотин трубкани отиб юборгудек шарақлатиб қўйди...

## РИВОЯТГА ЎХШАТМА

Улар илк баҳорда танишдилар. Бир-бирларига кўнгил қўйдилар ва кўп ўтмай турмуш қурдилар. Бир кун англаб етдиларки, фақат севгининг ўзигина оила аталмиш қўрғоннинг иморатини мустаҳкам қила олмас экан. Оила пойдеворининг мустаҳкам бўлиши учун яна орада меҳр ҳам бўлиши керак. Аммо улар кўнгилларини рағбатлантира олмадилар. Ўртада фарзанд туғилса-да, меҳр уйғонмади. Ва... ажрашишга қарор қилдилар. Эр-хотин саккиз ёшли ўғилчасини етаклаб, кўпни кўрган донишманднинг олдига борди. Донишманд уларнинг арзини тинглаб бўлгач, қўлларига гул қаламчаларини тутқазди:

— Мана буни ҳовлингизга олиб бориб, боғингизга экинг, агар уч ой ичида ғунчаласа, сизлар ажрашмайсизлар, агар ғунча очмаса, демак, сизларнинг бирга яшашларингиздан маъно йўқ. Бу сеҳрли гул...

## МЕН ҲАМ БАХТЛИ БЎЛАМАНМИ?

Машҳур санъаткорлардан бирининг журналист билан қилган суҳбатини ўқиб қолдим. «Ота-онам 40 йил бахтли турмуш қуришган. Доимо менинг оилам қанақа бўларкин, деб ўйлардим. Оила қурсам, албатта, ота-онамдай йўл тутаман. Турмуш ўртоғим билан ўтказадиган умрим аҳил, иноқ ва меҳр-муҳаббатга тўла бўлиши учун ҳаракат қиламан, дердим. Чунки менинг омадим ана шундай бахтли оилада вояга етганимдир».

Сиз ҳам балки турмуш қуриш остонасидадирсиз, балки аллақачон катта оиланинг соҳиби ёки соҳибасига айланиб улгургандирсиз. Аммо бирон марта бўлса-да, ота-онангизнинг бахтли ҳаётига ҳавас қилганмисиз? Буни ўйлаб ҳам кўрмагандирсиз, балки!

Дунёда энг қийин нарса бир-бирини тушуниб яшаш бўлса керак. Одатда, биз тушунадиганларни тушунишни истамаймиз. Аслида бахт нима? Тўрт мучамиз соғлиғи, ота-она, яқинларимизнинг омонлиги, яна оилали эканлигимиз. Ишда эришган ютуқларимиз. Яна нимадир етишмаяпти. Ҳа, нимадир. Лев Толстой: «Бахтли оилаларнинг барчаси бахтли, бахтсиз оилалар ўзича бахтсиз» деганда нимани назарда тутган экан?

Қизлар турмуш қураётганда, йигитлар қиз танлаётганда мен албатта бахтли бўламан, деб ният қиладилар. Лекин мен нечоғли бахтли бўламан, бахтли яшашим учун нималар қилишим керак, деб ўйламайдилар. Оила қургач, бахт ўз ўзидан келиб қолмайди. Бунинг учун бир неча марталаб пиёзсиз овқат ейишга тўғри келади.

## СЕН БЎЛМАСАНГ БОШҚАСИМИ?

Бир оиланинг ажралиш тафсилотини эшитиб жуда ачиндим. Йигит биринчи оиласи билан ажрашиб, иккинчи бор уйланган. Ҳозирги аёлидан ҳам икки нафар боласи бор. Топиш-тутиши яхши, қадди-басти келишган. Ҳамма ҳавас қилгулик. Ажрашаётганига сабаб эса хотинининг укаси, яъни қайниси дўстининг синглисига уйланган. Дўсти ўз синглиси эридан ажрашишини истайди. Йигит эса йўқ. Талабни қаранг: «Сен укангни хотини билан ажрашишга кўндир». Хотин укасининг оилавий ҳаётига аралашгиси, оиласини бузгиси келмайди. Аммо эрнинг талаби қатъий: дўсти учун у хотинидан ва болаларидан воз кечишга тайёр. Хотини унинг айтганини қилмагач, талаб янада кучайди: «Агар укангни кўндирмасанг сен билан ажрашаман, кўчада қиз тиқилиб ётибди...»

Хўш, бу оила бошлиғини ким деб аташ мумкин? Биринчисидан осонгина ажрашган эркак, иккинчи хотинидан ҳам тап тортмай ажрашмоқчи. Ота-онасининг айтишича, ўғлига ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган қизлар ҳам тегиши мумкин экан. Уларнинг фикри шундай. Нақадар шармандали тушунча!

## РИВОЯТНИНГ ДАВОМИ

Эр-хотин тақдир ҳукмини гул қаламчасига ҳавола этганича уни боғнинг бир чеккасига ўтқазибди. Кунлардан бир куни тонг саҳар эр уйғониб қараса, ўғли жойида йўқ эмиш. У жон ҳолатда хотинини уйғотибди. Икковлашиб у ёқни қарашибди, бу ёқни қарашибди, бола йўқ. Кейин улар — бири ялангбош, бири ялангоёқ ҳовлига отилибди. Не кўз билан кўришсаки, болакай жажжи челакчасида гул кўчатига сув қуйиб юрганмиш...

## ОИЛА ШАЪНИ ЧИНДАН МУҚАДДАС

«Муқаддас» сўзининг замирида азиз, табаррук, шарафли каби маънолар ётади. Демак, оила аъзолари ҳам энг азиз ва сиз учун табаррук инсонлар. Сиз оила шаънини ҳимоя қилишга, уни асраб-авайлашга қодирмисиз?

«Гладиатор» ҳақидаги тарихий кинони кўпчилигимиз томоша қилганмиз. Уни ҳаммамиз довюраклиги, жасурлиги ва албатта ватанпарварлиги учун яхши кўрамиз. Ватани, халқининг озодлиги учун ўз жонини қурбон беришга тайёр у. Аммо унинг оиласини севиши, улар учун ҳар жангда ғолиб бўлиши, ўлаётган вақтида ҳам ҳақоратланган, хўрланган, зўрланган хотини ва ўғлининг ўчини олганидан фахрланади, заҳарли қилич зарбидан ҳушини йўқотаётганида эса: «Мен сизларнинг олдингизга кетаяпман, яқинда учрашамиз», дейди. Ёки дўстининг: «Мен озод бўлармиканман, оилам, хотиним ва фарзандларимни кўриш менга яна насиб қилармикан?» деган саволига: «Албатта озод бўласан, фарзандинг, хотининг олдига қайтишинг шарт» деган гапларни айтади.

Гладиатор ва шунга ўхшаш қаҳрамонлар нега доимо мағлуб бўлгиси келмайди? Чунки уларда Ватанига ёруғ юз билан қайтиш, оила шаънини ҳимоя қилиш бурчи устун. Хотини билан фарзанди учун жон бериши шартмиди? Хўрланган ва ҳақоратланган хотинини унутиб бошқасига уйланиб олса бўлмасмиди ёки у пайтлар аёллар тақчил бўлганми? Йўқ, гап унда эмас, балки уларнинг оилани муқаддас билишида, оилани севишидадир. Агар у биз айтаётган йўлни тутганида қаҳрамонлик даражасига кўтарилмасди, оиласини севмаганида, Ватанига қайтишни орзу ҳам қилмасди. Демак, оиласи шаъни учун курашган одам Ватанини ҳам севади. Аксинча, оиласини қадрламаган одам Ватанига ҳам вафодорлик қила олмайди.

## Ё ОНАНГНИ, Ё ХОТИНИНГНИ ДЕ...

Фарзандингизга кимни яхши кўрасан, деб савол бериб кўринг-чи. Бирданига сизни ёки дадамни деёлмайди. Чунки у саволнинг ўзи ноўрин бўлгани учун ҳам иккиланади. Фарзандингиз иккалангизни ҳам бирдай яхши кўради.

Келинг, оиланинг пароканда бўлишига олиб келаётган омиллардан бирини таҳлил қилайлик. Айтинг-чи, онадай мўътабар зотнинг қиёси борми? Хотинни қиёсласа бўладими? Йўқ, онанинг ҳам, хотиннинг ҳам ўз ўрни бор. Бир-бирини такрорламайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган. Балки айрим йигитлар турмуш қургач, оиланинг мустаҳкамлигига унчалик уринмаслигининг сабаби уларга ёшлигидан хотин топилади, деган ақиданинг сингдирилишидир. Афсуски, одамлар орасидаги хотиннинг осон топилиши ҳақидаги фикр оиланинг дарз кетишига сабаб бўлади. Хотин — эгов, хотин — заҳарли илон, хотиннинг уруғи — душман, куёв — ёв деган беэътибор айтиб юборилган сўзлар таъсири ўлароқ оилалар дарз кетади. Аслида хотин эгов ҳам эмас, заҳарли илон ҳам эмас, унинг қариндошлари душман ҳам эмас, ўғилдан кам бўлмаган куёвлар орамизда кўплаб топилади. Унда муқаддас ҳисобланмиш оиланинг энг яқин аъзоларига таянчи ва суянчи бўлмиш инсонлар ҳақида нега шундай таъриф берамиз? Фарзандларимизда, ёшларимизда бундай номақбул фикрларнинг шаклланиб қолишига ўзимиз сабабчи бўлмаяпмизми? Эътибор бериб қаралса гап яна тушунчага келиб тақаляпти.

Оилада онанг ёки хотининг деган иддаоли ибораларни ишлатишимиз, уларни бирбиридан айро ёки бошқача кўришимиз асло мумкин эмас. Агар оналар фарзандига «мени десанг, хотинингдан ажарашасан» деган шартни қўяётган бўлса, ўғил хотиннинг ҳам она эканлигини унутмаслиги керак. Ёки хотин «онангни эмас, мени дейсан» деган талабни қўйса, қачонлардир ўғли ҳам уни демаслиги мумкинлигини унутмасин.

## РИВОЯТНИНГ ДАВОМИ

Орадан икки ой ўтса ҳамки, кўчатнинг кўкаришидан дарак йўқ эмиш. Шундай кунларнинг бирида аёл эрининг ёнида йўқлигини пайқаб қолибди. Ўзи шундоқ ҳам шубҳа-гумонлар оловида қовжираб бораётган аёл эрининг хиёнат қилаётганига чиппа-чин ишонибди. Бўғилиб, ҳаво етмаётгандек бўлиб ҳовлига отилибди. Кўрсаки, эри челак кўтариб гул кўчати экилган томонга кетаяпти.

«Демак, мени ҳалиям яхши кўраркан-да», деб шу кундан эрига меҳрибонлик кўрсатиб, гулнинг ғунча ёзмаётганидан хавотир ола бошлабди...

## МУРОСА ЙЎЛИДАГИ ЭНГ ОСОН ВА ЭНГ ҚИЙИН ЙЎЛ

«Икки боламни кўзим қиймайди, бўлмаса шартта ажрашиб кетардим». Бундай гапларни эркак ёки аёл томонидан баъзида эшитиб қоламиз. Қолаверса, эр-хотин бир-бирини тушунмаса болаларинг учун чида, деган гапларни ҳам айтишади катталар. Аммо бу оилани сақлаб қолишга сабаб бўла олмайди. Негаки, ушбу ҳолат болалар тарбиясига путур етказади. Дейлик, меҳр-оқибатсиз яшаётган оилада 3 нафар фарзанд вояга етди. Демак, 3 та омадсиз оила дунёга келади. Чунки улар бахтли оила ҳақида тасаввурга эга эмас. Оилада кўрган меҳрсизликлари уларни янада жиззаки, ношукр, қўпол, бемеҳр қилиб қўяди. Унда нима қилмоқ керак? Осонгина ажралишми? Й-ў-ў-ўқ асло. Муроса қилиш керак.

«1001 саволга психологнинг 1001 жавоби» деб номланган китобда шундай фикрларга дуч келамиз: «Ҳаёт мураккаб жараён, унда нималар бўлмайди, дейсиз. Арзимас сабаблардан жанжал чиқаришга, уни авж олдиришга ҳаракат қилмаслик керак. Бизда «эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши», деган ибратли гап бор. Мустаҳкам, аҳил-иноқ бўлиб яшаш эркак ва аёлдан ҳаётга теран кўз билан қарашни тақозо этади. Аксарият эр-хотинлар бир-бирларига нисбатан саводли мулоқот қилишни, тинглашни, далда бўлишни, зарур бўлганда бирбирларини асрашни, қадрлашни, қалбдаги салбий кечинмалари ва ғуборни олишни билмайдилар. Кўпчилигимиз ана шундай сифатларга эга эмаслигимизни билмаймиз ва энг ачинарлиси, бу сифатларни ўзимизда шакллантиришга уринмаймиз, ҳаракат қилмаймиз».

Ростдан ҳам, икки томонда фидойилик бўлмаса ундай оила бахтли бўлолмайди. Бир оилани биламан, ҳамма ҳавас қилгулик — бахтли, аҳил иноқ. Аммо бу даражани қўлга киритгунича улар анча машаққатли довонларни босиб ўтган. Аммо аёл бирон марта эридан, яшаш шароитидан нолиган эмас. 10 йил, нақ 10 йил энг кўримсиз, арзон ижара уйда яшашди. Том маънода аёл ўзининг хоҳиш-истакларини, орзуларини эри учун қурбон қилди. Эр эса энди уни бошига кўтариб яшайди. Хотин бир ярим йилдан ортиқ тўшакка михланганида ҳам, «Дадаси мени қўйинг, энди мен тузалмасам керак» деганида ҳам оила бошлиғи унга «Ҳамма қийинчиликларимга чидаб мени шу даражага етказдинг. Ҳаётимиздан нолиб, пул топиб келинг деганингда, мен илмий ишимни охиригача етказармидим, шундай даражага эришармидим. Оғзинг энди ошга етганида мен сени ташлаб қўяманми», деган. Хотин ҳам мўъжиза юз бериб тузалиб кетди. Энди у эрини бошига кўтариб яшайди.

## РИВОЯТНИНГ ОХИРИ

Ишдан эртароқ қайтган эркак кўрсаки, хотини гулга сув қуйиб юрганмиш. «Хотиним мени севаркан», деган ўй ўтибди унинг кўнглидан. Ва шу кундан бошлаб унга эътиборлироқ бўлибди. Орадан уч кун ўтиб боғда болакай чапак чалиб, хурсанд сакраётганмиш:

— Ойижон, дадажон! Боғимиздаги кўчат барг ёзибди. Қизил, қизил гул ғунчалабди...

## ПИЁЗСИЗ ОВҚАТ ЁКИ БАХТЛИ ОИЛА

Эр бугун мояна олгани учун хотинига қўнғироқ қилди: мен бугун мояна олдим, онаси рўзғорда нималар кам?

— Адажониси, уйда пиёз тугаганига 3 кун бўлди.

— Лекин сен менга буни айтмадинг-ку, қолаверса, овқатни...

— Ҳа, овқат қилдим... пиёзсиз. Маош ололмаётгангиз учун шундоғам хижолатда эдингиз, сизни хафа қилгим келмади.

Эр хотинини уни аягани учун хурсанд бўлиб кетди. Бозорга тушиб уйга керакли нарсаларни харид қилди, пиёз ҳам олди, унга қўшиб 3 дона атиргул. Ахир, шундай ҳар доим уни аяйдиган хотинини бир хурсанд қилса қилибди-да...

...Сиз уйга шошаяпсиз, биламан. Овқат қилишга нималар борлигини ўйлаяпсиз. Нималардир тугаган. Эрингизни бир боплаб уришмоқчисиз. Ишдан чарчаб келган турмуш ўртоғингизга овозингизни баландлатиб:

— Уйда бор-йўқ нарса билан ишингиз йўқ, нима буни фақат мен ўйлашим керакми, сиз ҳам эркакмисиз ўзи?!

Тўхтанг! Ҳей, тўхтанг, овозингиз баландлаб кетди. Болаларингиз эрингизга бақираётганингизни эшитса оталарини ҳурмат қилмай қўяди. Келинг, яхшиси, даданг ишдан чарчаб келади, келишига бор нарсалардан антиқа таом пишириб қўя қолайлик, денг.

Сиз эса бугун мояна олдингиз. Рўзғорга ул-бул харид қилдингиз. Сизнинг борингизни ошириб, йўғингизни яшириб ўтирган хотингизга гулми ёки унинг яхши кўрадиган нарсасини олинг. Шунда... шунда унинг сизга қараган муҳаббатга тўла миннатдорлик нигоҳини сезасиз. Буни муроса йўли дейдилар. Бир марта яшайдиган дунёда севишни ўрганинг. Ахир, бахт деганлари осмондан тушмайди. Бу дунёда ёнингиздаги одам билан бир умр ит-мушук бўлиб яшашингиз ҳам, ёки аҳил, иноқ турмуш кечиришингиз ҳам мумкин. Икки йўлдан қай бири маъқулроқ. Албатта, иккинчи йўлни танлайсиз. Аммо узун ва жуда машаққатли бу йўлни босиб ўтиш учун ақлу идрок, мустаҳкам иродангиз бўлиши зарур. Қаерда бўлсангиз ҳам манзилга — оилангизга етиб борганингизда эса чинакам бахтни, ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган бахтни учратасиз. Буни ҳеч қачон унутманг. Яна унутмангки, донишмандларимиз айтганидек: «Омадли никоҳ ҳар куни таъмир этиб туриши керак бўлган бинодир».

**Барно СУЛТОНОВА**

Репродуктив саломатлик

# Никоҳ ёши ўзгарадими?

**Репродуктив саломатлик кенг тушунча бўлиб, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий соғлом шаклланишида унинг аҳамияти катта. Бунда асосан соғлом зурриёд қолдириш, аёлларнинг ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврлардаги саломатлиги, соғлом фарзанд кўришга халал берадиган сабабларни бартараф этиш назарда тутилади.**

Репродуктив маданият инсоннинг зурриёд қолдиришга доир ақлий, жисмоний ва ижтимоий етуклигидир. Репродуктив билим ва маданиятнинг етишмаслиги никоҳ ёшига етмай турмуш қуриш, ёш оилаларнинг бузилиб кетиши, исталмаган ҳомиладорлик, жинсий алоқа орқали юқадиган турли касалликлар натижасида келиб чиқадиган жисмоний, иқтисодий-ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади. Бунинг олдини олиш учун эса оила тинчлиги ва фаровонлигида энг муҳим асос деб ҳисобланган соғлом турмуш тарзини шакллантириш лозим.

Айни пайтда мамлакатимизда Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан ишлаб чиқилган "2009-2013 йилларда аҳолини репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури" ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Шубҳасиз, бу борадаги ишларда ФҲДЁ идоралари ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Аҳоли ўртасида «Соғлом оила — соғлом фарзанд» тамойили асосида тушунтириш-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Шунга қармай, айрим ота-оналарнинг айби билан ёш қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатлари учрамоқда. Айниқса, талаба-ўқувчи қизларни эрта турмушга берилиши кенг жамоатчиликни ташвишга солаётир. Чунки юртимизда оила қуриб, фарзанд кўриш учун энг қулай ёш 20-30 ёш оралиғидир. Фарзандлар орасидаги ёш фарқи эса 3-4 йил бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳаётий тажриба тасдиқлаган, қолаверса, замонавий тиббиёт томонидан илмий исботланган.

Шу кунларда мамлакатимизда никоҳ ёшини ўзгартириш масаласи кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамага қўйилиб, никоҳ ёши қизлар учун 19 ёш, йигитлар учун 20 ёш қилиб белгиланиши маъқулланмоқда. Никоҳ ёшини узайтирилиши масаласини биз, ФҲДЁ идоралари ходимлари ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Чунки хизмат тақозосига кўра, эрта оила қуриб турмуши бузилган, бунга оилага тайёр эмаслигини билдирган аёллар билан суҳбатда бўламиз. Уларнинг афсус-надоматга қоришиқ сўзларини тинглаб, қизларни мустақил ҳаёт йўлига бошлашда ота-оналарнинг нақадар катта маъсулиятга эга эканлигига яна ишонч ҳосил қиламиз.

Инсоннинг ҳаётдаги эзгу мақсади бахтли, мустаҳкам оила қуриш, соғлом фарзандларни дунёга келтириб, тарбиялаш ва уларнинг камолини кўриш. Шундай экан, истагимиз — ҳар бир инсон репродуктив маданият ва билим салоҳиятига эга бўлиши ҳаётий заруратга айлансин.

**Х.МАМАЖОНОВА,**
**Бешариқ туман ФҲДЁ бўлими мудири**

Маълумотингиз учун

# Номулкий ҳуқуқ

**Шахснинг ҳаёти,** яъни яшаш ҳуқуқи унинг номоддий неъмат сифатида барча халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, мамлакатлар Конституцияларида инсоннинг қонун билан муҳофаза этиладиган ажралмас ҳуқуқи сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига биноан "яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир".

Шахсни ҳимоя қилиш, шунингдек, унинг ҳаётини асраш, ижтимоий хавфли ҳодисалардан муҳофаза қилиш давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

**Шаън ва қадр-қиммат** ҳар бир шахснинг маънавий бойлигидир. Шахснинг шаъни, инсон сифатида эъзозланиши унинг жамиятдаги обрўси, тутган ўрни, қобилияти, дунёқараши ва бошқалар билан муомалада бўлиши орқали баҳоланади. Шаън ва қадр-қиммат Конституция билан муҳофаза қилинар экан, уларни, биринчи навбатда, фуқаролик, маъмурий, жиноий-ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳимоя қилишга кафолат беради.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов ва чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши унинг шахсий дахлсизлигини таъминлашга, муҳофаза қилишга қаратилган. Бу демократиянинг том маънодаги амалий ифодаси сифатида Ўзбекистоннинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради. Бу фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт талабларига тўла мос тушади.

**Номга бўлган ҳуқуқ** шахс дахлсизлигини ифодаловчи хислатлардандир. Ҳар бир жисмоний ёки юридик шахс ўзининг ким эканини ўз номи билан исботлайди ва шу билан бошқалардан ажралиб туради. Фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътиборига дахл қиладиган тарзда ёхуд шаклда унинг номи бузилганда ёки ундан фойдаланилганда Фуқаролик Кодексининг 100-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

**Шахснинг ўз тасвирига** бўлган ҳуқуқи бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлари каби дахлсизлик иммунитетига эга. Яъни у тортиб олинмайди, бошқа шахсларга берилмайди, қонун билан муҳофаза этилади. Бошқа шахснинг тасвирини матбуотда босиб чиқиш, қайта ишлаш, ундан нусха кўчириш, санъат (рассомлик, ҳайкалтарошлик, фотография, кинофильм, телекўрсатув ва ҳоказо) асарларида ифода этишга фақат тасвирланган шахснинг, болалари ва эри (хотини)нинг (у вафот этгандан кейин) розилиги бўлгандагина йўл қўйилади. Шунингдек, **тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи, шахснинг ишчанлик обрўси** номоддий неъматлар сифатида ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

**Шамсиддин АМОНОВ,**
**Султон МУҚИМОВ,**
**ТДЮИ талабалари**

Ҳамкасб

# УМРНИНГ ТАРОВАТИ

**Ҳаётини журналистика соҳаси билан боғлаб, қалам ва сўз ила жамиятга наф теггулик ишлар қилишга чоғланган жон борки, вужуд ва руҳ қувватини битикларига илинаверади. Бир битикларки, кўнгилларни уйғотади, тош қотган дилларни эритади, жароҳатларга малҳам бўлади, бўшлиқларни тўлдиришга, нуқсонларни илғашга, янглиш босилган қадамларни ростлашга ундов, чорлов бўлиб жаранглайди. Элнинг, юртнинг ёруғ эрталари томон залворли одимлар ташлатади...**



Балки, қаламкашнинг хизматлари маҳсули хирмон бўлиб тикланмас, корхона мисол сармоясини кўрсатмас, аммо жамики жабҳалар ривожи, муваффақиятининг қатқатларида унинг хокисор меҳнати излари, қалб ҳарорати бор. Шу боис, ижодкор умри заҳматлари зиё тарқатаётган шамга қиёсланади. Балки замондошлари у турган минбарга умид билан қараб, айтажак сўзидан қалбида туғён ураётган саволларга жавоб излашлари ҳам шу билан боғлиқдир. Бундай меҳр ва эътиборга лойиқ бўлиш учун ижодкорда қалб ва қаламга садоқат керак. Касбнинг инжиқликларию талаблари, синовларию ситамлари, қувончларию ташвишларига бирдек елка тута билмоқ садоқатдир. Бинобарин журналистика катта руҳий қувват, осойишлардан кеча билмоқ, камтаринлик ва камсуқумлик, қаноат ва ҳақсўзлик, кези келганда, журъату матонатни талаб этади. Демакки, ўзни ана шуларга чоғлай олмоқ, ҳамиша кўнгилни имтиҳон этиб турмоққа маънавий куч топиш керак бўлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Олтин қалам" халқаро танлови ғолиби, «Туташ тақдирлар», «Юртим таровати», «Дил изҳори», «Сўнгги манзил», "Тошбой ГАИ ҳангомлари» (ҳажвий қисса), «Таназзул», «Баҳордан кузгача» сингари китоблар муаллифи Жаҳонгир Исмоилов ўзида ана шундай хислатларни жамлай олган, публицистика, назм ва насрда бирдай баракали ижод қилиб келаётган ҳамда шу фазилатлари билан замондошлари, ҳамкасблари ўртасида иззат, ҳурмат топган инсонлардандир.

У бугунги саодатли кунларга етгунича соҳанинг барча сўқмоқларига кириб чиқди. Изланди, яратди ва ҳамкасблари орасида ҳам, элда ҳам қадр топди.

1952 йили Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Тошработ қишлоғида таваллуд топган Жаҳонгир Исмоилов 1975 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да журналистика соҳасида етуклик билимини эгаллагач, "Илғор фан учун" (ҳозирги Бухоро университети) газетасида ўз фаолиятини бошлади. Кўп ўтмай ҳозир ўзи етакчилик қилаётган "Бухоро ҳақиқати" (ҳозирги «Бухорономa») газетаси таҳририятига ишга қабул қилинди. Ўтган йиллар том маънода уни маҳоратли журналист, салоҳиятли раҳбар сифатида шакллантирди. 1996-2002 йилларда вилоят халқ таълими бошқармаси муассислигидаги "Бухоро муаллими" газетаси ташкил этилишида ташаббускор бўлган устоз ушбу рўзномага муҳаррирлик қилиш билан бирга "Маърифат" газетасининг вилоят бўйича махсус мухбири вазифасида ҳам фаолиятини давом эттирди. У 2002 йилдан ҳозиргача "Бухорономa" ҳамда "Бухарский вестник" газеталарининг бош муҳаррири вазифасида сидқидилдан ишлаб келмоқда. Жаҳонгир ака раҳбар сифатида рўзноманинг ҳар бир сони ўқишли тарзда, долзарб мавзулардаги материаллар билан муштарийларга ўз вақтида етиб бориши, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ этишда жамоатчиликнинг ишончли минбари вазифасини ўташи, замондошларимизни эзгу амаллар, ижодий ташаббуслар сари интилишларга ундай билиши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Айни пайтда жамоада соғлом муҳитнинг ҳукм суриши, ижодий изланишларнинг қувватланиши, публицистиканинг барча жанрларига бирдек мурожаат қилиниши, ёш иқтидор эгаларига ғамхўрлик кўрсатиш масалалари ҳам ҳамиша кун тартибида туради. "Бухорономa" ҳамда "Бухарский вестник"нинг ўз аудиторияси, мухлислари доимий жамоатчи мухбирларига эгалиги бунинг яққол далилидир.

Жаҳонгир Исмоилов том маънода кўп қиррали ижодкор. У ўзининг ҳаётий кузатишлари, фалсафий қарашлари, дилини ўртаётган ҳақ сўзни гоҳ публицистиканинг турли жанрлари, гоҳ насрий, гоҳида назмий асарлари орқали ўқувчига таъсирчан руҳда етказиб беришга ҳаракат қилади, бунга эришади ҳам. «Машинасини ўғирлатган домла», «Бу ёғи қандоқ бўларкин?», «Тошбой ГАИ ҳангомлари»да порахўрлик, фирибгарлик, таъмагирлик, қонунни менсимаслик каби иллатлар қаламга олинса, «Таназзул» роман-дилогиясида шўро тузуми даврида қонунларга итоат этмасликнинг чуқур илдиз отганлиги, маъмурий-буйруқбозликка таянилган бошқарув ҳаётий лавҳалар орқали акс эттирилади. "Дил изҳори", "Юртим таровати", "Соғинч", «Баҳордан кузгача» каби шеърий тўпламларидан ўрин олган лирик асарларида эса самимий қалбнинг она Ватани, халқига соф муҳаббати, табиат гўзалликларига ошнолиги, фалсафий мушоҳадаларини уққандай бўласиз.

***Мени ҳаво янглиғ турасан қуршаб,***
***Танга нафас бўлиб сипқориласан.***
***Теграмда мунаввар қуёшга ўхшаб,***
***Чарақлаб турасан — онажон Ватан!,***

— дейди у «Ватан» шеърида. Шоир учун ўзи яшаб, ижод қилаётган ҳамиша навқирон қадим Бухоро жуда азиз, муқаддас. Бу табаррук гўшага эҳтиром унинг жуда кўп шеърларига мавзу бўлган. Жумладан у ёзади:

***Камситмасман ўзга юртларни асло,***
***Ҳамма бу очунда оний меҳмондир.***
***Не бахтки, мен учун Каъба — Бухоро,***
***Ватаним қуёшли Ўзбекистондир.***

"Мен бухоролик шоир, носир ва журналист Жаҳонгир Исмоиловнинг ижодини кўпдан кузатаман. Унинг коллектив тўпламларидан ташқари алоҳида нашр қилинган шеърий, насрий тўпламлари ўқувчида яхши таассурот қолдиради", дея фикр билдирган эди халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмад. Дарҳақиқат, Жаҳонгир Исмоиловнинг бир ижодкор сифатидаги меҳнатлар маҳсулига бу қиёс нечоғли топиб айтилганини далиллаб турибди.

Шоирнинг яна бир энг катта қувончи унинг бошқаларга ибрат бўларли тўкис оиласи. Ҳамиша ёнида туриб қўллаб-қувватлайдиган, тушуниб, кези келганда асраб-авайлайдиган умр йўлдошига ёрлигидадир. Тақдир уни шоира, журналист Сора Тошова билан умргузаронлик қилиш бахтига муяссар этди.

— Мен нимагаки эришган бўлсам, бунда Сора опангизнинг ҳиссаси катта, — дейди суҳбатларимизнинг бирида Жаҳонгир ака. — Иш-у, ижод билан бўлган кезларим у баъзида катта оиланинг юкини зиммасига олишдан сира оғринмади, толиққанимда суяди, ҳамиша руҳиятимни кўтариб, ишонч билан олдинга интилишга илҳомлантириб келди....

— Жаҳонгир ака нафақат турмуш ўртоғим, талабчан устоз, нозиктаъб мунаққид сифатида ижодимни, фаолиятимни кузатади, ёрдам беради, — дейди гўё бунга жавобан Сора опа ҳам. — У киши фарзандлар тарбиясида ниҳоятда қаттиққўл. Болаларимиздан олдига аниқ ва катта мақсадлар қўйиб, мустақил ҳаракат қилишларини талаб этади. Ҳеч қачон вақтларини майда-чуйдаларга сарфламайди. Айниқса ғийбат, мишмишларга сира хушлари йўқ. Кўп мутолаа қиладилар. Ўз устида ишламаган кунлари, қалам тебратмаган тунлари, тонглари йўқ. Назаримда, оилада кишининг том маънода хотиржам ижод қилиши, балоғат пиллапояларига кўтарилиши учун ёнидаги одамнинг руҳий мадади муҳим роль ўйнайди. Биз бир-биримизга ана шу кўмакни беришга ўзимизни бурчдор сезиб яшадик.

Жаҳонгир ака ва Сора опа инсонийлик, дўсту ёрларга муносабат, устозларга ҳурмату шогирдларга иззат бобида ҳам ибрат олса арзигулик фазилатлар соҳиблари. Пойтахтда меҳнат қилаётган журналистларнинг кўпчилиги, меҳнати сингган шогирдлари уларни яхши билади, яхши кўради. Бухоро томонларга йўллари тушса, албатта, уларни йўқлаб ўтишади, хушфазилатларидан сўзлаб юришади. Яқинда Жаҳонгир Исмоиловнинг яна бир китоби чоп этилди. Бу назмий рисолани муаллиф "Баҳордан кузгача" дея номлаган. Ушбу аталишда ҳам катта рамзий маънолар жам. Дарвоқе, инсон умрини ҳам фаслларга бўлиш, қиёслаш мумкин. Жаҳонгир ака олтмиш йиллик умр йўлини босиб ўтди. Агар унинг шу улуғ ёшини кузга менгзамоқ бўлсак, ҳавас қилишимиз шаксиз. Чунки бу кузнинг таровати — ижод ва фаолиятдаги самарали маҳсул, бахт билан безанган мустаҳкам оила, жамиятдаги мавқе, ёруғ юз, устозларнинг ушалган орзуси, шогирдлар ҳаваси, дўсту ёрлар ҳурмати... бўлиб дилларни ёритади. Тўлин куз бекатидаги бу саодат муборак бўлсин!

**Ойбуви ОЧИЛОВА,**
**журналист**

Оқибат

# АСАЛНИНГ ОЗИ

## ёхуд устозимга мактуб

**Бугун мен талабаман. Бу номга сазовор бўлишимни астойдил истаганингиз ёдимда. Ўзимга бўлган ишонч туйғусининг мустаҳкамланишига туртки бўлганингиз, ўқишим-изланишим учун имкониятлар яратиб берганингизни эслаб, шодланаман. Устоз, сиз танитган олам ҳар нафас бошимга соябон, қуёшсиз кунларимда нур таратиб, қалбимни юксак-юксак марралар сари ундаяпти.**

Бугунги кун ёшлари, миллий журналистикамиз, кишилар нутқ маданияти хусусида кўп қайғурасиз. Қалбингизнинг бир чеккасида ёшларга нисбатан юксак ишонч бўлса, бир чеккасида улар йўл қўяётган камчиликларни кўриб, қайғурасиз, бартараф этиш чораларини излайсиз.

Кўп вақтингизни ёшларга сабоқ бериш учун сарфлашингизга ҳавасим келади. Ҳатто бўш ёзилган материалларимизни ўқиб оғринмасдингиз. Қайта-қайта бўлган таҳрир жараёнларидан сўнг камчиликларимизни англаб олардик. Шундай лаҳзаларда қалбимиздан: "Агар яхши журналист бўлишни истасак, аввало, сўзни севишимиз керак, уни ҳис қилиш, оҳангини, ҳаракатларини кузатишимиз лозим", деган ўйлар кечган. Энди ўйлаб қарасам, ўшанда нафақат бизнинг эртамизни, балки, Ватанимизнинг равнақини ҳам ўйлаганингизга амин бўламан.

Сиз босиб ўтган сермашаққат, аммо самарали йўл қай бир маънода биз, шогирдларингизнинг ҳам ҳаёт йўлларига туташиб кетаётгандай. Биласизми устоз, ҳозир сизга ўзимни қийнаётган айрим "дард"ларни айтмоқчиман. Шу баҳона тенгдошларим, қолаверса, айнан педагог, журналист бўла туриб, "устоз" деган сўзни бир маротаба эшитмаганлар, қуйида тилга олиб ўтадиганим иллатлар ўзида жо инсонлар ҳам мушоҳадага киришишини астойдил истайман.

Биласиз, глобаллашув жараёни бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Фан, санъат, маданият, спорт кун сайин ривожланиб, ўзгача қиёфа касб этмоқда. Кишиларнинг муомала ва сўзлашиш одоби анча юқори даражада шаклланди. Ўзбек тили миллий тилимиз сифатида сайқалланиб бормоқда. Бироқ, кўнглимизни ранжитадиган айрим ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бу гуллаётган дарахтнинг илдизига тушган қуртдек кишини хавотирга солади.

Яқинда бир тадбирда иштирок этдик. Нутқи бошлаганига салкам бир соат бўлган маърузачини ортиқ тинглашга тоқати чидамаган тингловчилардан бири "сабрим тугади", дея зални тарк этди. У бу йиғилишдан кетган биринчи "тоқатсиз"лардан эмасди. Маърузачининг нутқи узоқ чўзилгани тингловчиларни зериктириб қўйди. Нималар хусусида гапирди, йиғилганларга у айтган фикрларнинг бирор фойдаси тегдими... нотиқ буни ўйлашни ҳам истамасди, чамамда.

Яқинда яна бир шундай илмий-амалий анжуманда бўлдик. Дастурга биноан ҳар бир маърузачига ўз фикрини ифодалаш учун ўн дақиқадан ажратилган эди. Бироқ, шунга қарамай, ёши тахминан олтмиш бешларга бориб қолган профессор минбарга чиқиши билан бир соат ва ўн дақиқа микрафонни бўшатмади. Қоғоздан кўз узмай нималарнидир ўқиб берди. Охир-оқибат...

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтиришим мумкин. Эсимда, нутқнинг ҳам талаб ва қоидалари бор, меъёри мавжуд, буни ҳар бир киши тезроқ тушунса, жамиятни турли иллатлардан, жумладан, ортиқча ваъзхонликлардан қутқариш шунча осон бўлади, дегандингиз. Барчасининг таг замирида эса инсонларнинг ўз устида ишламаслиги, у ёки бу масаланинг туб моҳиятини англай олмаганлиги, онгидаги турғун фикрлардан чиқолмаётгани ётади.

Айтишларича, Суқрот "Бошқаларнинг оғзини беркитманглар, ўзларинг эса имкон борича яхшироқ бўлишга интилинглар", дейишни хуш кўрган экан. Ҳа, биз нутқ сўзлашнинг турли шаклларини қадимги юнон ва Рим донишмандлари Антифонт, Суқрот, Демосфен, Аристотел каби нотиқларининг нутқлари орқали билиб олганмиз. Уларда сўзни тежаб ишлатиш каби хусусият биринчи ўринда турган. Ҳар бир нутқ кириш, асосий қисм ва хулосани ташкил этган. Биринчи қисм тингловчиларни жалб эта олиши, иккинчи қисм уларни ишонтириши, учинчи қисм тингловчиларни мойил қилиши лозим бўлган. Қанийди, ҳозирги нотиқлар ҳам шу талабларга риоя қилсалар.

Бизнинг Шарқда эса воиз, деб аталган бу соҳа кишиларининг асосий мақсади, жамиятни бирлаштириш, эзгу мақсадлар йўлида ҳаракат қилишга даъват қилиш билан бирга, илм-фан ва маънавият сари етаклаш бўлган. Уларнинг нутқида дидактика биринчи ўринда турган. Аниқлилик, қисқалик, ҳақиқатмонандлик принципларига амал қилинган. Шу сабабданми, ҳалиҳануз мутафаккирларимиз қолдирган бой маънавий мерос ўзининг бебаҳо қимматини йўқотгани йўқ.

Халқимизда «Асалнинг ҳам ози ширин», деган нақл бор. Саҳнада кўринган кишидан нутқ равонлиги, таъсирчанлиги, шунингдек, аудиториянинг руҳига кира олиш, ўзига жалб қилиш каби вазифалар талаб этилади. Демакки, бу жиҳатларни ўз нутқида қамраб ололмаган киши имкон даражасида фикрини тез якунлаши энг мақбул йўлдир. Зотан, вақт ҳар бир инсоннинг шахсий мулки. Уни "ўғир"лашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Гулчеҳра АШУРОВА,**
**Мирзо Улуғбек номидаги**
**Ўзбекистон Миллий**
**университети талабаси**




## «Нурли жўжалар» нима дегани?

«Реклама» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «қичқирмоқ» деган маънони ифодалайди. У савдони ҳаракатга келтирувчи куч сифатида иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда рекламадан ҳатто шоу бизнес вакиллари, сиёсатчилар ҳам унумли фойдаланишга интилаётгани унинг аҳамияти ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Реклама ҳар бир маҳсулотнинг кўзгуси бўлиб, уни тарқатиш ва намойиш қилишни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Лекин буни зинҳор тил, одоб-ахлоқ меъёрларини бузса бўлаверади, деб тушунмаслик керак. Афсуски, бугун соҳада айрим камчиликлар ҳам кузатилмоқда. Айниқса, кўчаларимизга илинган баннерлар, плакатлардаги дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари рекламасида, маҳсулотларнинг қадоқ пакетларидаги реклама битикларида жиддий услубий хатоларга йўл қўйилаяпти. Масалан, яқинда ўқишдан қайтаётиб, савдо расталари ёнида «Hikmatli non», «Nurli jo'jalar» деб ёзиб қўйилган эълонларга кўзим тушди. Таажжубланиб, адашаётгандирман, дея қайта-қайта ўқидим. Мажозий маънода фикрнинг, китобнинг ҳикматли, йўлнинг, келажакнинг нурли бўлишини эшитгандим, аммо ноннинг ҳикматли бўлишига, жўжаларнинг нурли бўлишига ҳеч ақлим бовар қилмади. Бундай мазмуни палағда рекламаларнинг сони кейинги пайтларда кўпайиб бораётгани анча ташвишли ҳол, назаримда. Шу боис реклама билан шуғулланаётган фирмалар, босмахоналар, тадбиркорлар бу борада тил қонуниятлари билимдонлари, тегишли мутахассислар билан бамаслаҳат иш тутишса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

**Наврўза ЯХЁЕВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари**
**университети талабаси**

## Баҳор

Ширин уйқудан уйғонгимиз келмай юмшоқ ёстиқни қучоқлаб ётганимизда деразамиз ёнидаги дарахт устида қушларнинг чуғур-чуғури беихтиёр ойнадан ташқарига қарашга мажбур қилади. Атрофни гўзал ҳусни билан безатган дарахт шохларидаги куртаклар, оппоқ гулларни кўриб секин шивирлаймиз: «Баҳор бунчалар гўзалсан!..»

Энди енгилгина кийиниб, шаҳар кезадиган пайт келди. Ёмғир нафаси эсиб турадиган кўчаларни кезар эканмиз, гўёки ҳаво тугаб қоладигандек ўпкамизни тўлдириб нафас оламиз. Бутун борлиғимиз яйраб, ўзимизни енгил ҳис қиламиз. Юрагимизда ҳеч қандай ғубор қолмагандай бўлади. Ўзимизни қушлар каби ҳис этиб, узоқ-узоқларга парвоз қиламиз. Баҳорнинг бу гўзал тасвирини сўз билан қоғозга худди ўзидек муҳрлаб бўлмаса керак.

Муаттар гуллар, тоғу тошлар, қир-адирлар гўзалликнинг тарқаб кетган парчаларидек кўринади. Юзимизни шаррос қуяётган ёмғир томчиларига тутиб, роҳатланамиз. Бу қанчалар мароқли, қанчалар завқли! Яна лабларимиз таниш сўзларга қовушади: «Баҳор, бунчалар гўзалсан!..»

**Хуршидабону**
**УМАРХОНОВА,**
**Тошкент давлат**
**юридик институти**
**қошидаги академик лицей**
**ўқувчиси**

## Ҳамма танийдиган ҳасратдош

Аввало танишиб олайлик. Танийман, ҳожати йўқ, дейсизми? Ҳечам-да, неча замонлардан буён соқов бўлиб яшаганим етар. Энди ҳасратлашиш навбати келди. Қулоғингизни тутинг, биродар, у-бу нарсаларни шипшитиб қўяй.

Асли мени яратишганда ном излаб юришмайди. Исмим билан туғиламан. Қийматим ҳар ерда ҳар хиллигини айтмаганда ишларим аъло. Қаерда бўлмай ҳурматимни жойига қўйишади. Тўғри, гоҳида камлигимдан нолишади. Баъзан каминани қуртдай санаб беришади, баъзан йиғиб қоронғу хонадаги эски темир сандиққа қулфлашади. Сирасини айтганда, "белнинг қуввати" ҳам ўзим. Ана шунақа гаплар, оғайни, номим айтилмайдиган давранинг ўзи йўқ.

Аҳамиятлиси, мен ҳақимда нақл ҳам тўқишган. «Пул бўлса, чангалда шўрва», эмиш. Сиз ҳеч маҳал чангалда овқат пишганини кўрганмисиз? Ўхшатишни қўйиб турайлик, қадрни қаранг, қадрни! Лекин, бугун сизга айтмасам бўлмайдиган оғриқларим бор. Инсонлар мени қанчалик енгил йўл билан топсалар, шунчалик осон йўқотадилар. Мени одамларни ўзгартириш қобилиятига эга деб ўйлашади. Ахир, оддий қоғоз бўлсам... Ҳақиқатни айтсам, бугун борман, эртага йўқ. Майли, сизни ҳам дардларим билан зериктирдим, шекилли. Ҳали қанча қиладиган ишларим бор. Нима, нима? Манзилингизни ёзиб олай дейсизми? Ҳалол меҳнат қилинг, дўстим, ўзим сизни топиб оламан.

**Дурдона МУХТОРОВА,**
**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари**
**университети талабаси**

**Дараклар**

### ЖИМ ЕН КИМ — ЖАҲОН БАНКИНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

**Нуфузли молия муассасаси — Жаҳон банкининг янги раҳбари сайланди. Банкнинг директорлар кенгаши АҚШдаги Дармут коллежи раҳбари Жим Ен Кимни ушбу лавозимга муносиб кўрди.**




Ким жорий йилнинг 1 июлидан ўз вазифасини бажаришга киришади ва бу лавозимда 5 йил фаолият кўрсатади.

Қайд этиш жоизки, 24 март куни Жаҳон банки ташкилот раҳбарлигига номзодлар рўйхатини расман эълон қилди. Мазкур рўйхатда Кимдан ташқари Колумбиянинг собиқ молия вазири Хосе Антонио Окампо ва Нигерия молия вазири Нгози Оконджо-Ивеала ҳам бор эди.

### ЭНГ ЙИРИК ҚУЁШ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

**Бугун дунё мамлакатларида муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Яқинда Саудия Арабистонида дунёдаги қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи улкан қурилма ишга туширилди.**



Лойиҳа Австрия компанияси томонидан амалга оширилди. Бунинг учун 4,7 миллион доллар маблағ сарфланди. Станция саҳро бўронларидан ҳимояланиш тизимига эга. Қуёш панеллари эса 36 минг квадрат метр жойни эгаллаган. Бу ерда ишлаб чиқариладиган электр энергияси мамлакатдаги йирик олий таълим муассасаларидан бири — Ар-Риёд университетини иссиқ сув билан таъминлашга сарфланади.

Экспертлар Саудия Арабистони яқин йигирма йил ичида дунёдаги энг йирик электр энергиясини сотувчи мамлакатга айланишини башорат қилишмоқда. Чунки қуёш батареялари ёрдамида электр энергияси олишни кенг кўламда йўлга қўйиш учун мамлакатда қулай табиий шарт-шароит мавжуд. Масалан, ҳозир 2016 йилгача Саҳрои Кабирда 2 гигаватт қувватга эга бўлган қуёш электр станциясини барпо этиш режалаштириляпти. Бу Европадаги сингари 700 мингта уйни электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

### «СОМОН ЙЎЛИ-3» ТИНЧ ОКЕАНИГА ҚУЛАДИ

**КХДРнинг «Сомон йўли-3» деб номланган олис масофага учувчи сунъий йўлдошли ракетасининг учиши муваффақиятсиз якунланди. Стартдан сўнг бир неча дақиқа вақт ўтиб, ракета Тинч океанига қулаган. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги далилларига асосланиб хабар тарқатди. Шунингдек, расмий Токио ҳам ушбу хабарни тасдиқлади.**



«Кванменсон-3» («Ёрқин юлдуз») сунъий йўлдошини «орқалаган» космик ракетанинг учирилиши муваффақиятсиз якунланган бўлса-да, бу «катта саккизлик» давлатлари, шунингдек, КХДРнинг ён қўшниси Корея Республикасини ҳам хавотирга солиб қўйди. Чунки мазкур ҳолат БМТнинг Шимолий Кореяга нисбатан ядровий зарядни орбитага олиб чиқиш қувватига эга бўлган баллистик ракеталарни яратишни тақиқлаш борасидаги санкциясига зиддир. Шу боис ҳам БМТ Хавфсизлик Кенгаши бу воқеа муносабати билан тезкор йиғилиш ўтказган. Унда «Сомон йўли-3»нинг учирилишига жавобан қандай чоралар кўрилиши муҳокама қилинган.

Расмий Пхеньян ракета учирилишидан фақатгина хайрли мақсадлар кўзланганини таъкидламоқда. Яъни Ер орбитасига олиб чиқиладиган сунъий йўлдош ёрдамида зарур ахборотга эга бўлиш, шу орқали мамлакатдаги табиий ресурслар миқдорини баҳолаш ва обҳавони олдиндан аниқ айтиб беришни таъминлаш режалаштирилган. Бироқ жаҳон ҳамжамияти КХДР айнан шу баҳонада баллистик ракета синовини ўтказишидан хавфсирамоқда.

### «GOOGLE»НИНГ ДАРОМАДИ ОШДИ

**«Google» компаниясининг жорий йилнинг биринчи чорагидаги даромади ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 фоизга кўпайди. Компания тарқатган матбуот хабарномасида қайд этилишича, уч ойлик даромад 10,65 миллиард долларни ташкил этган. Ушбу сумманинг 7,31 миллиарди бевосита «Google» эгалик қилаётган сайтлар орқали келган.**



Мамлакатлар мисолида оладиган бўлсак, интернет-компания тушумининг энг катта қисми АҚШга «тегишли» — 53 фоиз! Худди шунингдек, Буюк Британияда ҳам «Google» хизматидан кўп фойдаланишган ва бунинг натижасида компания ҳисоб рақамига 1,15 миллиард доллар миқдорида маблағ келиб тушган.

Дарвоқе, компаниянинг жорий йилнинг дастлабки чорагидаги соф даромади 2,89 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60 фоизга кўп демакдир.

**Шарҳ**

# «Ахборот уруши»нинг математик моделлари

**XXI асрга келиб, маълум бир мақсадларни амалга оширишда катта-катта корпорациялар, турли сиёсий кучлар ва марказлардан ташқари, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари билан қуролланган оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнаётгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Бундан ҳам хатарлиси — айрим ривожланган давлатлар ахборот урушларининг математик моделларини такомиллаштиришга зўр бера бошлаганларидир. АҚШнинг разведка бўйича ҳисоботида алоҳида таъкидланганидек, XXI асрга келиб, дунё урушларида айнан ахборот урушлари ҳукмронлик қилмоқда.**



Маълумки, Ахборот уруши деганда бир мамлакат ёки давлатлар бирлашмаларининг иккинчи бир мамлакатга қарши оммавий ахборот воситалари (босма ва электрон матбуот, интернет) орқали амалга оширадиган хуружлари тушунилади. Аксарият ҳолларда ҳатто ғоявий, сиёсий ва иқтисодий мақсадларни рўёбга чиқаришда шундай сохта ахборотлардан фойдаланиладики, бу оддий фуқароларнинг ахборотнинг рост ёки





ёлғонлигини ажратолмай қолишига ҳам олиб келади. Мақсад эса нишонга олинган мамлакат ва унинг раҳбарлари обрўйига путур етказиш, ўша мамлакат қуролли кучлари ва тинч аҳолисини ҳокимиятга қарши қўйиш, келажакда қўлланиш мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатларни оқлаш ва далиллаш, рақиб ёки душманнинг геосиёсий нафсониятларига монелик қилишдан иборатдир.

Энг ёмони, бундай ахборот оқимлари омма тафаккурига жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди. Узоққа бормайлик: Миср, Тунис, Яман, Ливия, Сурия, Бахрайн каби мамлакатларда шундай усулда ахборот тарқатиш, ахборотни сохталаштириш, давлат раҳбарларини коррупция ботқоғига ботганлик ва бошқа оғир жиноятларда айблаш натижасида қуролли тўдаларнинг хатти-ҳаракатлари Яқин Шарқ ва Африкани қонли саҳнага айлантиргани каби ҳолатга олиб келди. Бу аҳвол дунё жамоатчилиги кўз ўнгида намоён бўлди. Ҳатто сохта демократлар амалдаги ҳукуматнинг юзини қора қилиш учун тинч аҳолини қирғин қилиб, айбни ҳукумат қўшинларига ағдарган ҳолатлар ҳам юз бериб турибди. Афсуски, одамлар кўп ҳолларда ахборотнинг сохта ёки ҳаққоний эканлигини текшириб ҳам ўтирмайдилар.

Табиийки, ўзини ҳурмат қилган ва ўз фуқаролари хавфсизлигини ўйлаган ҳар қандай мамлакат иғворгарлик ва фитнага чақирувчи ахборотни оммалаштирмасликка интилади. Сўнгги икки ой мобайнида Хитойда олиб борилаётган "интернетдаги жиноятлар"га қарши кураш кампаниясида мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари 1065 кишини қўлга олган.

Бу ҳақда хабар қилган Хитой расмий нашрлари фикрича, бундай чоралар асосан форум ва ижтимоий тармоқларга Хитойдаги давлат тузумини ағдариш чақириқлари, сиёсий миш-мишлар ва бошқа "зарарли" ахборот тарқалишининг олдини олишга қаратилган.

«Синхуа» агентлигининг хабар қилишича, ўтган икки ой мобайнида "миш-миш уюштириш ва тарқатиш"га дахлдор бўлган 16 та веб-сайт ёпилган, 208 мингта "зарарли" онлайн хабар ўчириб чиқилган. Хитойдаги йирик интернет-порталлардан ҳисобланмиш www.sina.com ва www.qq.com ҳам расмий Пекин танқидига учраган сайтлар сирасига киради. Бу веб-ресурслар ўз форумларидаги "тақиқланган маълумотлар"ни ўчириб чиқиш учун тўрт кунга фаолиятини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлган. "Интернет орқали миш-миш тарқатиш халқимиз манфаатларига зиён етказувчи, давлат хавфсизлиги ва ижтимоий барқарорликни емирувчи жиддий муаммога айланди", дейилади Хитой Интернет ассоциацияси томонидан тарқатилган баёнотда. Мазкур ташкилот интернетда фаолият юритувчи барча компанияларга "ўзини интизомга бўйсундириш"ни кучайтириб, миш-мишлар тарқатишнинг олдини олиш чақириғи билан чиқди.

Хитойда Twitter, Youtube ва Facebook ижтимоий тармоқлари анча фаол бўлиб, ёшларни йўлдан уришда сохтакорлар яловбардорларига хизмат қиляпти. Натижада улар йўлига анчадан буён тўсиқ қўйиб келинади. Бу бежиз эмас, албатта. 2011 йил охиридаги маълумотларга қараганда, Хитойда интернетдан фойдаланувчилар сони 513 миллион кишига етган, бу мамлакатга алоқадор веб-сайтлар сони эса 2,3 миллиондан ошган.

Бир вақтлар Ироққа қарши ҳарбий кампания бошланиши олдидан жаҳон оммавий ахборот воситаларида Ироқ хусусида фақат салбий образ шакллантирилган бўлса, бугунга келиб Сурия ахборот ҳужумига дучор қилинмоқда. Ҳатто юз берган кичик бир тўқнашув ёки бир гуруҳ оломон намойишининг ҳам бўрттириб кўрсатилаётгани жаҳон жамоатчилиги онгида Сурияга нисбатан салбий фикрнинг шаклланишига олиб келади.

Сайёрамизнинг турли бурчакларида, турли мақсадларда ахборот хуружи алангалатиб турилган бир пайтда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган ҳар бир мамлакат турли сиёсий кучларнинг стратегик режаларини амалга ошириш учун халқаро майдонда илгари сурилаётган ниқобланган сиёсатнинг асл моҳиятини ўз вақтида англаши ва бунга қарши муносиб чоралар кўриши муҳим аҳамият касб этади. Шундоқ ҳам қудратли давлатларнинг табиий бойликларга эга бўлган мамлакатларга нисбатан олиб бораётган ғаразли мақсадлар улкан минтақаларда тинч ҳаётнинг издан чиқишига, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келишига сабаб бўлаётганини жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳам кўрсатиб турибди.

**Абдували АБДУЛБОҚИЕВ**

### СЎНГГИ 3 ЙИЛДА БИРИНЧИ МАРТА ҚОТИЛЛИК СОДИР ЭТИЛМАДИ

**Ҳа, ишонаверинг. Жорий йилнинг 14 апрель куни Сальвадорда илк маротаба қотиллик содир этилмади. «Reuters» агентлиги тарқатган ахборотда қайд этилишича, мамлакат президенти Маурисио Фунес ушбу хабарни расман тасдиқлаган.**

«Reuters» тарқатган хабарга қараганда, 2009 йилнинг июнь ойидан буён мамлакатда қотилликка қўл урилмаган бирон кун кузатилгани йўқ. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ўша йили ҳар куни ўрта ҳисобда 12 киши қотиллик қурбонига айланган. 2012 йилнинг бошида эса бу кўрсаткич 18 тага етган.

«БМТ маълумотларига кўра, — деб ёзади «Reuters» агентлиги, — кейинги йилларда мамлакатда ҳар юз минг аҳолидан 66 нафари қотиллик сабаб дунёдан эрта кўз юммоқда. Бунга асосан Мексикадаги гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг Сальвадор ҳудудидан транзит йўл сифатида фойдаланиши сабаб бўлаётир.»

Эслатиб ўтамиз, Сальвадор Марказий Американинг аҳоли энг тиғиз яшайдиган мамлакатларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда 6 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади.

### ИШЧИЛАР СОНИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

**Тоғ-кон ва металлургия саноатидаги йирик компаниялардан бири — «Mechel» ишчи-ходимларининг сонини камайтириш истагида. Аниқроғи, иш ўринларини қисқартириш компаниянинг Руминиядаги корхоналарида амалга оширилади. «Mechel Campia Turzii» металлургия комбинатида 1900 киши, «Mechel Targoviste»да эса 200 киши ўз вазифасидан озод қилинади.**

Компания раҳбарияти буни буюртмаларнинг камайгани, даромад ва соф фойда миқдорининг пасайиши билан изоҳламоқда. Бинобарин, 2012 йил қишининг қаттиқ келиши оқибатида Руминиядаги корхоналарни хомашё билан таъминлашда узилишлар юз берди.

«Mechel» компанияси Россия Федерацияси, Румыния ва Литвада ўнлаб корхоналарига эга.

**Интернет хабарлари асосида Камол АЛЛАЁРОВ тайёрлади.**

**Хориж матбуоти саҳифаларида**

*«Die Welt» газетаси, Германия*

### РОБОТЛАР "АҚЛЛИ ШАҲАР"ДА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Бугунги кунда ер юзи аҳолисининг ярмидан ортиғи шаҳарларда яшамоқда. Уларнинг сони кундан-кунга кўпайиб бораётгани ҳам бор гап. Шунингдек, иқлимнинг кескин ўзгариши ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб омиллар "ақлли шаҳар" (smart city) тизими ғоясининг пайдо бўлишига асос бўлмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Ақлли шаҳар"да информация ва коммуникация, хавфсизлик, бошқарув ҳамда соғлиқни сақлаш тизими мукаммал кўринишга эга бўлади.**




Дублин университети олимлари — Майкл О'Грэйди ва Грегори О'Хэарнинг фикрича, бундай шаҳарни бунёд этишда ўзини ўзи бошқара оладиган роботлардан самарали фойдаланиш мумкин. Ҳозир Европанинг бир қатор мамлакатларида Dustbot роботлари шаҳарларни чиқиндилардан тозалаш билан шуғулланмоқда. Улар йиғилган чиқиндиларни шаҳар четидаги махсус жойга олиб бориш имкониятига ҳам эга. Ушбу "темир одамлар" GPS тизими ёрдамида ҳаракатланади. Шу сабабли уларни телефон орқали чақириш, топшириқ бериш мумкин.

Яна бир эътиборга молик жиҳати шундаки, ақлли роботлар маълумотларни фильтрлаш ва персоналлаштиришга ҳам ёрдам бера олади. Шунинг учун уларнинг хизматидан музей ва кўргазмаларда умумий маълумотлар бериш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, смартфон орқали роботлар "мия"сига турли тадбирлар ҳақидаги янги маълумотларни юкласа ҳам бўлади.

*«The New York Times» газетаси, АҚШ*

### МАХФИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ ИШДАН БЎШАТИЛДИ

**АҚШ махфий хизмати 11 нафар ходимини ички интизомни бузгани сабабли ишдан бўшатди. Бундан ташқари, бу ерда фаолият юритаётган Қуролли кучларнинг беш нафар аскари ҳам уй қамоғига маҳкум қилинган.**




«The New York Times» газетасида қайд этилишича, АҚШ махфий хизмати ходимлари Колумбияга жўнатилган. Уларга колумбиялик ҳамкасблари билан Президент Барак Обаманинг бу мамлакатга ташрифи чоғида хавфсизликни таъминлаш топширилган. Бироқ кутилмаганда махфий хизмат раҳбарлари бўлимнинг барча вакилларини алмаштиришга қарор қилишган. Чунки хавфсизлик хизматининг икки нафар ходими топширган ҳисоботлардаги маълумотлар бир-бирига зид келган. Шундан сўнг тергов ҳаракатлари бошланган.

Конгрессмен Питер Кингнинг таъкидлашича, хавфсизлик хизмати ходимлари меҳмонхонада хонимлар билан шакаргуфторлик қурбонига айланишган.

*«The Hindu» газетаси, Ҳиндистон*

### ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**Ҳиндистон ва Покистон давлатлари йўл харитаси тузишга келишиб олди. Мазкур битим ҳар икки томонга Атари-Вагах чегара пункти орқали савдо-сотиқ ишларини кенг йўлга қўйиш имкониятини беради. Сотишга рухсат этилган маҳсулотлар орасида фармацевтика воситалари, цемент, газета қоғози, нефть маҳсулотлари, газламалар, чорва моллари ва ҳинд канопидан тайёрланган товарлар бор.**




Қайд этиш жоизки, ушбу битим хусусидаги хабар ишбилармон доиралар ва аҳоли ўртасида илиқ кутиб олинди.

«The Hindu»да ёзилишича, ҳар икки давлатнинг савдо вазирлари иштирокида ташкил этилган музокаралар чоғида яна бир қатор масалалар кўриб чиқилган. Жумладан, бундан буён товарлар Ҳиндистондан Покистонга қуруқлик орқали ҳеч бир тўсиқсиз келтирилади. Келишувдан ҳар икки мамлакат яхшигина иқтисодий фойда кўради. Чунки вазирлар томонидан имзоланган битим давлатлараро товар айирбошлаш кўламини кенгайтиради.

Айни кунларда ҳар икки мамлакат расмийлари божхона ишларига доир муаммоларга ечим қидиришмоқда.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирги вақтда Покистонга қуруқлик орқали Ҳиндистондан 150 турдаги маҳсулотлар келтирилади.

**Интернет материаллари асосида Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

*Тошкент шаҳар Чилонзор тумани «Ижод барака коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати думалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолгани муносабати билан*

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Ўзвиносаноат-Холдинг" компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 244-39-47, 244-50-54.

Хотира — азиз

# Тоғда ўсган ёзувчи

**Боғимизда отам эккан ўрик яна гуллади. Уни худди оппоқ дастурхонга ўралган ичи қанд-қурс, бўғирсоққа тўла тоғорани бошида кўтариб бораётган онажонимга ўхшатаман. Унга боқиб бир кўнглим гуллади, бир кўнглим йиғлади. Бу туйғу исми жисмига мос бўлган оқил инсон — отам Оқилжон Ҳусанов, меҳрибон онам — Тўтибиби Ҳусанова ҳақидаги хотираларни уйғотиб юборди.**




Шу тобда отамнинг яшаш тарзлари, оила тутуми, камтаргина ижодига бўлган садоқати кўз ўнгимда жонланди. Отам учун оила, дўстларга, касбга садоқат муқаддас ақидалар саналарди. Буларнинг биртасини беэътибор қолдирмасди. Уйимизга меҳмон келиши ёки отамнинг дўстлари, шогирдлари жам бўлиши ортиқча уринишсиз, мулозаматсиз, оддий ва самимий ўтарди. Чунки онажоним рўзғор бадастирлигини ҳамиша кўнгилдагидай тайёрлаб қўйган бўларди.

Отам Жиззах вилоятидаги Раваллиқ қишлоғида таваллуд топганлар. Кўрган-билганларнинг айтишларича оиладаги 4 фарзанддан бири деярли ҳар куни ота-онасига «дафтар олиб беринг, китоб олиб келинг мактабга бораман» деб хархаша қиладиган, унинг айтгани бўлмаса кечқурун аламидан йиғлаб-йиғлаб оладиган ўжарроқ бола бўлган кўринади. Шундай кезларда акалари унга дафтар олиб беришар, кўнглига қарашаркан. Тахминан отам буни шундай хотирларди: — «Синф болалари январгача «Алифбе»ни тамомлаб, «Ўқиш китоби»га ўтишган экан. Муаллим ярим соатча улар билан машғул бўларди-да, кейин менга «Алифбе»дан сабоқ берарди...»

Мактаб ҳаёти шундай ўтган. Билим олишга бўлган иштиёқ уни ўша пайтда марказий таълим ўчоқлари жойлашган Самарқанд сари талпинтиради. Ўзи сингари илмга ташна 5-6 нафар тенгдошлари қатори Самарқанд дорилфунуни уни ҳам ўз бағрига олади. Ўқиш жараёнида шеърлар, ҳикоялар ёзиб филология факультети қошида ташкил этилган «Адабиётчи» журналининг фаол муаллифига айланади. Ниҳоят ўтган асрнинг 50 йилларида ҳозирги «Зарафшон» газетасида ҳаваскор ижодкорнинг «Ўзбек қизига» деб номланган илк шеъри чоп этилади. Бу унинг катта матбуотдаги биринчи дадил қадами эди. Отам ижод оламига шундай кириб келган. Бу ёғи «Муштум», «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналларидаги қизғин фаолият уни етук ёзувчи, моҳир журналист даражасигача тарбиялаб етказди. Таҳририятларга хос бўлган мактабнинг корректорликдан бош муҳаррир ўринбосари даражасигача бўлган барча босқичларни чуқур билим, орттирган тажриба ва етук маҳорат билан босиб ўтди. Уни кетма-кет нашр этила бошлаган «Қўшиқчининг тақдири», «Қашқар гўзали», «Меҳри дарёлар» каби ҳикоялар тўплами элга танитди.

«Тоғда ўсган бола» қиссасини ўқиган мухлислар ҳозир ҳам Оқилжон Ҳусановни ширин жилмайиш ва меҳр билан эслаб қўяди. Отам ижод завқи ва шавқини қадрлайдиган инсон бўлган. Мабодо радио орқали бирор асари ўқиладиган бўлиб қолса, албатта, уни ё оила даврасида, ё уч-тўрт ҳамкасб дўстлари билан биргаликда жам бўлиб тинглашарди. Атрофидагилардан бирор камчилик ёки муваффақияти ҳақида сўз эшитмаса кўнгли жойига тушмас, жилмайиб фикрларини эшитиб ўтирарди.

*Мен ўзимни англатай,*
*номи абас эмасман,*
*Зот-зурриётим тайинли,*
*ҳеч хору-хас эмасман.*
*Сўз санъати бобида*
*ўз ўрним бор ҳар қалай,*
*Аммо мақтанолмайман,*
*зўр забардаст эмасман.*

Бу камтарин мисраларни ўқиган ҳар қандай одам отамнинг қанчалар ҳокисор инсон бўлганликларига амин бўлади. Ҳа, у барча уни билган мухлислар, ижодкор дўстлари хотирасида шундайлигича қолди.

«Сирли одам», «Бахт қаерда?», «Дил изҳори», «Тақилмаган узук», «Ҳаёт гули», «Устанинг муҳаббати» каби асарлари билан китобхонлар қалбидан жой ола билди. Отам оилада меҳрибон, эътиборли ва талабчан бўлганлар. Ҳаммамизни ўқитди, уйли жойли қилди. Ҳалол яшашга, инсоний қадриятларни улуғлашга ўргатди. Ҳар йили баҳорда ҳовлимизга ҳар хил гуллар, кўкатлар уруғини экар, улар орасида онам ва биз қизлари учун, албатта, райҳон билан ўсма уруғи ҳам бўларди. Талабчанликлари учун бир умр отамиздан миннатдормиз. Уларнинг меҳнатлари туфайли биримиз тадбиркор, биримиз нуфузли идоранинг фахрийси, яна биримиз эса ўқитувчи бўлиб эл-юртимизга хизмат қиляпмиз. Биз ота-онамиздан бир умр миннатдормиз.

***Энди Сизнинг жисмингиз йўқ,***
***руҳингиз бор,***
***Бу дунёда Сиздан қолган***
***жойлар обод.***
***Қолди Сиздан яхши ному,***
***дунё — китоб,***
***Чин дунёда доим бўлсин***
***руҳингиз шод.***
***Ўзи оқил, сўзи доно,***
***элда эъзоз, тилда баёз,***
***Бизга Устоз, ҳаққа ҳамроз***
***бўлган Отам.***

**Ойпарча ҲУСАНОВА**

Билмаганни билган яхши

## Тиббий кўрик бепул

***— Никоҳланувчилар тиббий кўрикдан қай тартибда ўтказилади? Умуман қайси ҳолатларда никоҳ тузиш мумкин эмас?***

**С.Азизова**
Наманган шаҳри

*Аввало никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади. Унга кўра, оила қуришни хоҳлаган йигит-қиз ФҲДЁ идоралари томонидан йўлланма асосида яшаш жойидаги тиббий муассасаларга юборилади. Айтиш керакки, тиббий кўрикдан ўтиш бепул, яъни никоҳланувчилардан пул тўлаш талаб қилинмайди.*

*Никоҳланувчилар бешта: руҳий, гиёҳвандлик, захм, сил ва ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича тиббий текширувлардан ўтказилади. Агар бу жараёнда никоҳланувчи шахсларда дарҳол даволанишни талаб қиладиган хасталиклар аниқланса, улар тегишли шифохоналарга йўналтирилади.*

*Амалдаги қонунчиликка кўра қуйидаги ҳолатларда никоҳдан ўтказишга йўл қўйилмайди:*

*— никоҳга кирувчиларнинг лоақал биттаси расман бошқа никоҳда бўлса;*

*— насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;*

*— никоҳга кирувчиларнинг лоақал биттаси руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса.*

**Саволга Наманган шаҳридаги 2-сонли ФҲДЁ бўлими мудираси Лобар ХЎЖАЕВА жавоб берди.**

## Бола неча ёшдан судга мурожаат қилиши мумкин?

***— Миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинган? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.***

**А.Жўраев**
Жиззах тумани

*Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Конституциямизда, мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияда, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун, Оила кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Уларга мувофиқ ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Яъни, бунда ота-онанинг ўз болаларининг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказиши тақиқланади. Болаларни тарбиялаш шафқатсизлик, қўполликдан, инсоний қадр-қимматни камситувчи муомаладан, болаларни эксплуатация қилишдан холи бўлиши керак. Акс ҳолда ота-она қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.*

*Ота-она ўз ота-оналик мажбуриятини бажармаган ҳолларда бола қонуний ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, 14 ёшга етганида эса судга мурожаат қилиши мумкин.*

**Саволга Зомин туман ДНИ нотариуси О.БАҲРИДДИНОВ, Бахмал туман ДНИ нотариуси А.УМАРОВ жавоб берди.**

## Васиятнома бўлмаса, ким меросхўр бўлади?

***— Агар мерос бўйича васиятнома бўлмаса, бу масала қандай ҳал қилинади? Кимлар меросхўр бўла олади?***

***З.ОЧИЛОВА***
*Ангрен шаҳри*

*Меросни тақсимлаш тўғрисида васият бўлмаса ёки у бутун мероснинг тақдирини белгиламаса қонун бўйича ворислик амалга оширилади. Қонун талабига кўра, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчининг яқин қариндошлари меросхўр мақомига эга бўлишади. Шу билан бирга, мерос қолдирувчининг тириклигида ҳомила ҳолида бўлган, мерос очилгандан кейин туғилган болалари ҳам қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.*

*Мабодо мерос мулки кўчмас мулк бўлса, у марҳумга қандай ҳужжат асосида тегишли эканлиги аниқланади. Бундай ҳолларда кўпинча марҳумнинг номига унинг уй-жойини марҳумнинг мулки деб тан олиш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори талаб қилинади.*

**Саволга Ангрен шаҳридаги 4-сонли ДНИ нотариуси Барно КАРИМОВА жавоб берди.**

## Алимент тўлашдан озод қилинаманми?

***— Тақдир экан, турмуш ўртоғим билан ажрашдик, қизим хотиним билан кетди. Ўзим иккинчи гуруҳ ногиронман. Кейинги оиламдан ҳам фарзандим бор. Моддий томондан қийналаётганим сабабли ҳозир 16 ёшга тўлган қизимга алимент тўлашни тўхтатиш мумкинми?***

**Т.Бобоев**
*Зангиота тумани*

*Оила кодексига кўра, агар алимент тўлаётган ота (она)нинг бошқа вояга етмаган фарзанди алимент олаётган болага нисбатан моддий жиҳатдан кам таъминланса, шунингдек, алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб келаётган бўлса ёки алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда, алимент миқдори суд томонидан камайтирилади. Худди шунингдек, агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасасининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота (она)нинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.*

*Сиз алимент миқдорини камайтириш ёки тугатишни сўраб судга мурожаат қилишингиз керак.*

**Саволга Зангиота туман ДНИ нотариуси Улуғбек БЕКБОЕВ жавоб берди.**

## Сизнинг рухсатингиз керак

***— Тоғам ўзига тегишли бўлган уйнинг бир қисмини менга васият қилиб кетган. Акам менинг рухсатимсиз ўша уйни сотиши мумкинми?***

**К.Зафаров**
Тошкент вилояти

*Сиз аввало мерос очилган жойдаги тегишли нотариал идорага ариза билан мурожаат этишингиз ва белгиланган тартибда ўзингизга тегишли мерос мулкига эгалик ҳуқуқини берувчи гувоҳномани олишингиз лозим.*

*Отангиз уйни бошқа шахсга сотиш тўғрисидаги шартномани тузиш учун нотариал идорага борганида, албатта ушбу турар жой унга тегишлилиги ҳақида эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат ва уйнинг биргаликдаги эгаларининг ёзма розилиги талаб қилинади, унга тақиқ бор-йўқлиги текширилади. Демак, акангиз сизга тегишли бўлган мулкни сизнинг розилигингизсиз сота олмайди.*

**Саволга Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуси Баҳтиёр РАҲМОНОВ жавоб берди.**

Мавзуга қайтиб

# Йўловчиларга лицензияни ким беради?!

**Газетамизнинг 2011 йил 12 октябрь сонида филология фанлари номзоди Равшан Жомоновнинг "Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб ёз" сарлавҳали мақоласи чоп қилинган, унда айрим ҳолларда она тилимиз қоидаларига риоя қилинмаётгани хусусида сўз юритилган эди. Жумладан, пойтахт кўчаларида аҳолига хизмат қилаётган аксарият йўналишли таксиларда "Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф!" деган ёзувнинг оммалашиб кетгани, бунинг хато экани ҳаётий мисолларда кўрсатиб берилганди.**

Мана, орадан қарийб олти ой ўтибдики, қаламга олинган ушбу масала ўзининг ижобий ечимини топгани йўқ. Ҳар куни кўча-кўйда тил қоидаларига зид равишда битилган ёзувларга кўзимиз тушиб, тил қоидаларига бундай эътиборсиз муносабатлар тобора урчиб кетишидан ташвишланасан киши. Қувонарлиси, мазкур масала юртдошларимизни ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Куюнчак муштарийлар таҳририятимизга хатлар йўллашмоқда. Улардан бири, ҳуқуқшунос Абдуқаҳҳор Муталовдан келган мактуб эътиборимизни тортди.

*"Адвокат бўлганим сабабли менда лицензия бор. Фаолият юритишларига лицензия жорий этилган айрим касб эгаларида ҳам шундай ҳужжат бўлиши мумкин, деб ёзади А.Муталов. — Транспорт воситаларида "Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф!" деган ёзув одамларда демак, ҳар бир йўловчи транспортга чиқиши учун лицензия олиши керак экан-да, деган тушунчани пайдо қилади. Шундай экан, лицензияси бор йўловчиларга хизмат қилиш қонуний, лицензияси йўқ йўловчиларнинг хизматига шайланиш эса қонунга хилоф. Йўналишли таксиларни орқа томонига битилган "Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф!" деган ёзув ана шундай кулгули ва ачинарли мантиқни келтириб чиқарган.*

*Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, пойтахтимизда хизмат қилувчи йўналишли таксиларга Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти лицензия беради. Қолган барча вилоятлардаги йўналишли таксиларга лицензияни Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг бўлимлари тақдим этади. Шундай экан, пойтахт транспортидаги бу каби ноаниқликлар юқорида номи зикр этилган департамент мутасадди ходимларининг эътиборсизлиги туфайли юзага келган, дейиш мумкин. Тўғри, аслида бу матнни битганлар лицензияси бўлмаган транспорт воситалари ҳайдовчилари йўловчиларни манзилига етказиш қонунга хилофлигини таъкидлашни исташган. Аммо "мутахассис"ларнинг ўзбек тилининг нозик жиҳатларини етарли даражада ўзлаштиришмагани мана шундай хунук оқибатга олиб келган..."*

Дарвоқе, киши кўнглини хира қилувчи бундай ҳолатлар ўз тилини севадиган Абдуқаҳҳор Муталов каби юртдошларимизни нафақат ўйлантираётгани, қўлига қалам олишга мажбур қилгани ҳам ёзувли лавҳалар, реклама ва эълонларни тилшунос олимлар кўригидан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини англатади. Шунингдек, йўналишли таксилардаги ёзувлар тилимиз қоидаларига мувофиқ тўғриланса, бу билан мутасаддилар она тилимизга бўлган эътиборга хайрихоҳ эканликларини исботлаган бўлишар эди.

**ТАҲРИРИЯТ**

Реклама ўрнида

ASAKA BANK

# "Асака" банк — ишончли ҳамкоримиз

***Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг барча соҳалар каби туризм соҳасини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга кенг йўл очилди. Ўзбекистоннинг ҳозирги салоҳияти эса сайёҳликни турли йўналишларда ривожлантириш имкониятини беради. Биз, тадбиркорлар яратилган барча шарт-шароитлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз.***

Кўплаб ишбилармонлар сингари мен ҳам юртимиз иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссамни қўшиш, янги иш ўринлари яратиш, хизмат кўрсатиш соҳаси салмоғини ошириш, мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларга юксак даражада хизмат кўрсатиш мақсадида замонавий автобусларни хориждан харид қилишга қарор қилдим. Аммо ўз режаларимни амалга ошириш учун сармоям етарли эмас эди ва шу сабабли мамлакатимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири — «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкининг Автотранспорт филиалига мурожаат этдим.

Банк кредитларидан оқилона фойдаланиб ҳозирги кунда 15 та замонавий автобус харид қилдим ва фаолиятимни кенгайтиришга эришдим. Бунинг натижасида 30 дан ортиқ юртдошларимиз янги иш ўринлари билан таъминланди. Бундан ташқари, туризм коллежи битирувчилари бизнинг корхонамизда амалиёт ўтаб, ўз малакаларини оширишмоқда.

«Асака» банк кредитлари туфайли корхонамизнинг хизмат кўрсатиш салоҳияти йилдан-йилга юксалиб, даромадимиз кўпайиб бормоқда. Мен каби тижорат банкларининг молиявий кўмаги билан ўз ишини йўлга қўяётган тадбиркорлар талайгина.

«Асака» банкнинг хизмат кўрсатишида "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойилига амал қилиши, ходимларнинг хушмуомалалик ва тезкорлик билан иш юритишлари биз, тадбиркорларнинг оғирини енгил қилмоқда. Мен «Асака» банк мижози эканлигимдан хушнудман.

**Лариса САМОЙЛОВА,**
**«Dolores Travel Services» МЧЖ корхонаси раҳбари**



Кинотолқин

# Она ҳайқириғи

## Миллий кино сардафтарини безаган фильм ҳақида ўйлар



### КИНО САРОЙИ ОСТОНАСИДА

Кино бугун фақат вақт ўтказиш, мароқли ҳордиқ чиқариш воситасигина эмас, балки фикрлаш, мазмунли яшаш, инсоний муносабатларни ардоқлаш кўникмасини гўзал шаклларда ифода этадиган, ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган қадрият ҳамдир.

Мен юртимиз кино саноатидаги барча фильмларни, у давлат маблағига яратиладими ёки хусусий студиялар маҳсулоти бўладими, кўриб боришга ҳаракат қиламан. Шакл ва мазмун бирлиги омухта бўлган картиналар кўпайишини истайман. «Ҳолливуд», «Болливуд» деганлари гуркираб, ҳар қандай рақобатчисига «нон бермай» келаётган ҳозирги замонда, тўғрисини айтсак, улардан ўтказиб томошабинни мафтун этиш, кўнглига йўл топиш мушкул. Оригиналлик ундан ҳам қийин. Миллий хусусиятларимизни ифодалаш орқали ихлосмандлар эътиборини қозониш мумкин дерсиз. Лекин миллийлик, ўзингиз кўриб-англаб турганингиздек, фақатгина қайнона, келин, куёв, амаки ва тоғавачча можароси, муаммосининг шарҳидан иборат эмас-да.

### ВОҚЕА

Собир (Йигитали Мамажонов) Марварид (Севара Солиева)ни севади, Марварид уни. Йигит автоҳалокатга учраши натижасида фарзанд кўролмаслиги маълум бўлади. Қиз барибир Собирга тегишга рози бўлади. Бироқ...

Собирнинг онаси Бовгул эна (Малика Иброҳимова) Мажид дўхтир (Саидкомил Умаров)никига икки марта совчиликка боради. Ҳар сафар қизнинг отаси бутунлай рад жавобини берганини она Собирдан яширади. Ўғил «бутунлай узиб юборишмабди-да» қабилида хулоса қилиб, умидвор юраверади.

Марваридни бошқага узатишади. Кўп ўтмай Марварид отасинига қайтиб келади. Буни эшитган Собир онасини яна совчиликка жўнатади. Бу сафар эса Мажид дўхтир Бовгул момони уйига ҳам киритмасдан ҳовлидан ҳайдаб юборади. Она-бола шунда ҳам умидсизликка тушмайди.

Собир иситмаси кўтарилиб, алаҳсирайди ва онасига тўйи бўлаётганини, онасидан ўйнаб беришини сўрайди. Ўғлининг кўнглиги қараб уч бора совчиликка борган, ҳар гал рад этилган она... рақсга тушади. Бу рақс — алам ва андуҳларга лиммо-лим қалбнинг, озурда кўнгилнинг акс-садоси бўлиб туюлади, бир муштипар онанинг маънавий қиёфасини бўрттириб кўрсатади.

Фильм якунида Собир Марваридни излаб йўлга чиқади. Қадди сўроқ белгисига ўхшаб қолган шўрлик онаизор унинг изидан етиб келади. Ўғлини тўхтатади. Ўзга қиёфага кириб, жаҳд билан Марвариднинг олдига йўл олади. Айнан Марвариднинг, чунки энди на Марварид, на Собир, на Бовгул момо Мажид дўхтирнинг ҳаёт фалсафаси билан тўқнашгиси келмасди. Бинобарин, томошабин ҳам...

Воқеа шундоқ. Лекин фильмни бу тарзда тушунсак ва баҳоласак, ҳаммаси ўта жўн кўринади, жунбушга келиб умр моҳияти ҳақидаги беадоқ хаёлларга берилиб бўлмайди. Зеро, сўз, ижро маҳорати, топқирлик билан танланган ракурслар, мусиқа, кадрлар кетма-кетлиги асносида ушбу ихчам ҳикоя бақувват бир киноасарга айланган.

### ОНА ҚАЛБ

Нега онанинг қалби эмас? Чунки қалб шундай бир нозик жойки, барча амалларга, ҳисларга доялик қилади. У покиза, гўзал бўлса биз эътироф ва эҳтиромлар оғушида яйраймиз. Назаримда, фильм аслида она қалбини экранга олиб чиққандек. Рости, анчадан бери бу мушфиқ зот қиёфасини, паҳлавон юрагини экранга олиб чиқиш ўзбек киносига насиб бўлмай келаётганди. Ҳа энди, анови фильмлардаги узуқ-юлуқ воқеалар, кўз ёшлари, азбаройи томошабинни таъсирлантириш учун атай киритилган йиғлоқи сиймолар — булар онаизор кўнглини бутун бўй-басти билан ифода қилолмаслигини яхши биласиз.

Сўлиб-сарғайиб бораётган хаста дилбандига дармон бўлмоқ, шодлик ато этмоқ ниятида яшаётган Бовгул энани тентакка чиқарадилар! Далилни, айбни кўринг: «Эр етган йигитни ўзи ювиб-тарайди, бу кампирнинг иймон-эътиқоди қолмади!» Аммо ана шу «тентак» қанчалар жасорат ва сабот бирла руҳсиз, ҳиссиз замондошлари учун умр матлабидан сабоқ бераётганини, агар иймон деганлари шу бўлса, менинг «иймоним — болам» дея зорланиб, Аллоҳга юкиниб турганини тушуна олмайдилар. Ахир, кўз ўнгимизда рўй бераётган маънавий жасоратни баҳолаш, идрок қилиш учун ҳам муайян савия-даража, тафаккур лозим. Алқисса, картина ижодкорлари шаъма қилганидек, онани англамас юраклар бор, ҳа, бор! Бундайлар истеҳзо билан поклик, софдиллик устидан хулоса ясайдилар, зару зўрларига эгилиб умр ўтказадилар...

Бири бирига суянч, бири бирига таянч бўлиб, изтироблар ичра қоврилиб яшаётган бу икки Инсон, уларнинг ўзаро муомала-муносабати кишида яшашга иштиёқ туғдиради, ҳаётга муҳаббат улашади. Дарвоқе, фильмда салбий қаҳрамон йўқ ҳисоби. Лекин салбий характерлар бор, туғилиб келаётган, баъзи тош қалбларга мустаҳкам ўрнашиб олган иллатлар бор. Бунда ҳеч кимнинг айби, душманлиги кўринмайди, кимдир аччиқроқ сўз айтса, фақат ачинганидан, онанинг ўз фарзандига нисбатан ўта ҳиммат ила беминнат хизмат қилаётганини тушунмаслигидандир. Йўқ, балки буни тушунмаслик деб ҳам бўлмас, ишқилиб, бошқача бир ҳис, шарҳи ноаён туйғу. Умуман, фикримизча, асарда фазилат ва иллат, поклик, софдиллик ва жаҳолат кинообраз даражасига кўтарилган.

«Ҳеч кимни яхши кўрмасдан адо бўлгандан кўра, бировни яхши кўриб адо бўлган дуруст эмасми?» — бу Бовгул энанинг катта ўғли, яна бир жаҳолат бандаси Маматқул (Фахриддин Шамсиматов)га айтган гапи. Ҳай, Бовгул эна-ей, қалби мусаффо онажоним-ай, ахир, дил кўзини шира босган манов Маматқуллар Сизни қай ақл, ҳис, юрак билан тушунсин! Тўпори бир қизиқиш орқасида оила қуриб, бугун хотинидан кўнгли чиқмаётган, кўзларини олиб қочаётган ўғил онанинг сўзларига дош беролмайди. Қалбан нақадар мажруҳ эканлигига астойдил иқрор бўлади. Ва лекин бу иқрорга сўз эмас, нигоҳ воситачилик қилади. Ана шу нуқтада, айтиш жоизки, режиссёрнинг маҳорати ёрқинроқ кўринади.

### ИШОРАТЛАР ҲИКОЯТИ

Фильмда изтиробга солувчи айрим саҳналарда қаҳрамонлар мажозий маънода сўзлашадилар. Масалан, Собирнинг энасига илк бора совчилликка бориши кераклигини билдириш саҳнаси бошқачароқ йўсинда акс эттирилган. Йигит онасига очиқчасига совчилликка боринг, демайди. Собирнинг «Эна, бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?.. Марварид яхши қиз-да...» дейишининг ўзиданоқ гап нима ҳақда кетаётганини томошабин англайди. Энди онанинг жавобини эшитинг: «Ҳа, муғомбир, ўйлаб-ўйлаб охири шу йўлни топдингми?»



Нимани ҳис қилдингиз? Аслида ким қувлик қилаяпти? Минг бир андиша билан муҳаббат асрорини етказган ўғилми ё... Қувлик йўқ бу ерда! Фақат алам, изтиробнинг юмшоқ ифодаси, ўзбекона оҳанг бор. Сукут сақлай туриб фарёд чекиш мумкин экан, қарангки, мумкин экан...

Баъзи саҳналарда сўздан умуман фойдаланилмайди. Актриса Малика Иброҳимова ўз ролини юксак маҳорат билан ижро этган. Унинг биргина нигоҳи, жилмайиши ё қовоғини солиши нима демоқчи бўлаётганини томошабинга «сўзлаб» беради. Бу роль театр актрисаси, халқ артистининг кино соҳасидаги шоҳ ижроси десак, ҳақиқатга хиёнат бўлмас.

Фильмда Собирнинг изтиробини кўрсатувчи ажойиб тўй саҳнаси бор. Давра ўртасида синфдошлар рақсга тушаётганида у дабдурустдан ҳаммани ўйиндан тўхтатади ва ҳофизга шўхроғидан айтишни буюради. Шунда ёлғиз ўзи рақсга тушади. Ўша шўхроғига телбаларча рақс тушаётган Собиржонга боқиб, кўз ўнгимизда бир чимдим бахтга муштоқ Марварид, телбавор ўйнаётган раққоснинг ночор аҳволи, пажмурда юраги, ич-ичидан зил кетиб, бу аянчли манзарага қараб турган Бовгул момо ўтади.

Фильмда ҳеч қачон ортга чекинмаслик «дард»и бор. Бовгул энанинг дастурхон кўтариб, кетма-кет совчиликка бориб-келавериши худди инсоннинг бутун ҳаёти йўлда ўтишини, умрнинг ўткинчилигини томошабин ҳис қилиб туради. Она изтироблари беихтиёр танангизга кўчади. Бечора Бовгул эна Собир айтгандай, чумчуқдай бўп қолган эса-да, фарзандининг орзуси учун истиқболсиз вазифани адо этишга ҳам тайёр. Бу ишнинг самарасизлигини унинг ўзи ҳам билади. Билса-да ортга чекинмайди. Таслим бўлмайди. Тақдирга тан бермайди. Ўғлининг кўнглига озор беришдан чўчийди, журъат топмайди. Соддаларча ўй суриб, Мажид дўхтирга инсоф киришига чин юракдан ишонади. Шу туйғу боис, боз совчиликка бориб, минг андуҳлар билан қайтаётганида кўчада сўрашган қишлоқдошининг гапларига қулоқ осмайди ва ундан шундай таъна эшитади: «Қулоғи оғирлашиб қоптими?» Йўқ. Бовгул энанинг қулоғи оғирлашмаган. У сергак, ҳаммасини эшитаяпти. Бироқ ҳаёт фалсафасини бироз мулоҳаза қилиб кўраётганлигидан ҳеч нимани эшитишни истамайди. Аксинча, аслида жонкуяр онанинг мунгли ҳайқириғини эшитмаётган атрофдагиларнинг қалб қулоғи «оғирлашган».

Бу келтирганларимиз шундоқ кўриниб турган, бир қарашда аён ҳақиқатлар. Лекин воқеалар қатига сингдириб юборилган бир неча рамзлар борки, айримларини келтириб ўтмоқчимиз.

Қизнинг отаси шифокор, хасталар ҳолидан хабарчи, бинобарин, касби шуни тақозо қилади. Аммо касб бошқа, қалб бошқа экан-да. Қаранг, аввалида у ҳам рози эди (ўша машъум кундан олдин). Кейин эса... Кишининг жисму жонида бўй бериб турган касалликни сезгувчи бу инсон қизининг кўнглида аланга олган туйғулар тафтига келганда... батамом басир!

Бепуштлик — катта муаммо, орзуларга чанг соладиган даҳшатли азоб. Менимча, муаллифлар Собиржоннинг бепуштлиги атрофдаги тўрсайган калтабинларнинг бепештлиги олдида фожиа эмас, ҳатто фазилатдек кўринади, демоқчидек. Ростдан ҳам, инсон қалби, аввало, эзгу ҳисларга, тоза туйғуларга оналик, оталик қилса, ғубор қўнмаган иймонини боламлаб яшаса... Ахир, бундайлар бахтсиз эмас!

### НУҚТАЛАР ТУТАШГАНДА...

Биласизми, нима бўлади? Тўғри чизиқ ёки бирон-бир шакл вужудга келади. Ҳаёт ҳам шундай — турфа кўнгиллар аро давр йўли, замон йўли, тараққиёт йўли ойдинлашади. Агарки, пок кўнгил зотлар, қалби уйғоқ инсонлар кўпайса, йўлимиз турфа ғадир-будур, нотекис ўнгирлардан, айланма кўчалардан ўтмайди. Мушфиқлик, муҳаббат, ҳаёт сурури англанмас кунлар баайни ёзсиз йилдир.

Бу фильм шундай хулосалар қилишга арзийди. Давримизнинг бадиий солномаси тарзида ҳали кўп яшайди.

**P.S.:** *Фильм номи: «Ёзсиз йил», «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, постановкачи режиссёр: Ҳотам Файзиев, сценарий муаллифлари: Зулфия Қуролбой қизи, Ҳотам Файзиев, бастакор: Анвар Эргашев.*

**Фозил ФАРҲОД ўғли**

Одамлар орасида

# Оромижон учрашувлар

*Мустақиллигимиз шарофати билан яратилган эмин-эркинлик туфайли кейинги йилларда ўзбек зиёлилари, хусусан, шоир ва ёзувчилар, санъат, маданият намояндаларининг республикамиз олис қишлоқлари аҳолиси билан бевосита ижодий мулоқотларда бўлиши, учрашувларда ижтимоий ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар моҳияти англанишига кўмак берадиган мунозараларнинг ташкил этилиши тобора анъанага айланиб бормоқда. Буни қатор вазирликлар, концерн ва компаниялар, маънавият муассасалари, жамоат ташкилотларининг вилоятлардаги хўжаликлар, таълим-тарбия муассасалари билан ўзаро оталиқ алоқаларини изчил йўлга қўяётгани билан изоҳлаш мумкин.*

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ташаббуси билан ана шундай мароқли учрашув Фарғона водийси ҳудудларида ҳам бўлиб ўтди. Компания жамоасининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда республика Маънавият-тарғибот маркази билан ҳамкорликдаги навбатдаги тадбири асосан китоб тарғиботига бағишланди.

Бундай тадбирларнинг ҳадисини олган таниқли шоир Шукур Қурбон билан сафарга отланиш менга ҳам насиб қилганидан бошим осмонга етиб, тадорик кўра бошладим. Ҳамроҳларимиз, янгийўллик ака-ука ҳофизлар — Беҳзоджон ва Хумоюн Отахоновлар экан. Белгиланган пайтда Наманган вилоятининг Косонсой тумани ҳокимлиги биносига етиб келганимизда биздан бир неча кун аввал келиб, тадбирларнинг бошида турган "Шарқ" НМАК бош директори Омонилла Юнусов, «Шарқ Зиёкори» нашриёти бош муҳаррири Аҳрор Аҳмедов, компания бош директори ўринбосари Равшан Ҳамзаевлар ташрифимизни кутиб туришган экан.

Гарчи талайгина учрашувларда иштирок этиб, тажриба тўплаган бўлсак-да, Косонсой иқтисодиёт коллежи биносига кириб "Ёшлар — келажагимиз эгалари" мавзуидаги суҳбатга чоғланаётиб, қалбим ҳаприқиб кетди. Атрофимда кезинаётган барваста, ақл-ҳушли йигит-қизларни кўриб, ўзимнинг юпун, камсуқум болалигим кўз ўнгимдан ўтди. Булар эса аллақачон ўзларини тутиб олишибди.

Косонсойдаги ижодий кечани сўзамолликда алоҳида маҳоратга эга журналист Аҳрор Аҳмедов очди. У мустақиллик йилларида иқтисод, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, маънавият, фан ва маданият соҳаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни рақамларда эмас, айнан ёшларимиз руҳига мос қизиқарли адабий-бадиий мисоллар, тарихий қаҳрамонлар тимсолида ифодалаб берди.

Шукур Қурбон ҳаяжонли, таъсирчан шеърларидан ўқиб берди. Унинг ўзига хос жўшқинлигию хоксорлиги бир зумда мухлисларининг эътиборини тортди.

Икки ака-ука ҳофизлар бундай учрашувларда илк бор иштирок этаётган шекилли, бироздан сўнг авж пардаларда куйлаб, йиғилганларни хушнуд этди.

Қувадаги чиқишларимиз ҳам туман ҳунармандларининг "Ташаббус-2012" танловида иштирок этиш ва ғолибларни тақдирлаш тантаналари билан уйғунлашиб, катта байрам тусини олди.

Ташаббус ўз номи ва табиати билан ташаббус-да. Янгиликка интилиш, кашф этилган ижод маҳсулини жамоатчиликка, қолаверса, нуфузли соҳа вакилларига исботлаб бериш осон эмас.

— Ўтган йилги фаолиятига, жилла қурса, озгина ўзгартиш киритаман, ўз меҳнати маҳсули билан мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшаман, жамиятимиз маънавий қиёфасига ижобий ўзгаришлар киритаман, дея аҳд қилмаган ишбилармон кўрик-танловда эътибор қозона олмайди, — деди ҳамроҳимиз Равшан Ҳамзаев тадбир иштирокчилари билан мулоқотда.

Дарҳақиқат, ушбу танловнинг мақсади ва аҳамиятининг кўлами ҳам ана шунда. Умуман, "Ташаббус" танловининг йилдан-йилга кенг қулоч ёйиб, оммалашиб бораётганлиги сирларини биз қувалик қўлигул ҳунармандлар, тиниб-тинчимас тадбиркор ва фермерларнинг меҳнат фаолиятларида кўриб қувондик. Бизнинг халқимиз табиати дарёмисол жўшқин, беғубор. Бир жойда тўхтаб тура олмайди. Шунинг учун ҳам «Ташаббус» йилдан-йилга такомиллашиб, анъана тусини олди.

Тадбирда биздан ташқари "Муштум" журнали таҳририяти таклифи билан иштирок этаётган водийлик машҳур сўз усталари Маҳмуд қизиқ, Сойиб қизиқ, Дилмурод қизиқларнинг ичакузди ҳангомалари ҳам эсда қоларли бўлди.

Бундай учрашувлар ижод аҳлига катта қувват беради. Одамлар орасида бўлиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, ўзингиз учун хулосалар чиқариш ҳамиша катта илҳом манбаи. Шу боис, Қўштепа тумани марказига кўрк бағишлаб турган Агросаноат коллежи биносига етиб келганимизда бошқа учрашувларимиз довруғини эшитишган, шекилли, мухлислар учрашув охиригача тик оёқда туриб шеър ва қўшиқларимизни тинглашди. Айниқса, мухлислар шеър ўқишда Шукур Қурбоннинг, аскияда Маҳмуд Исмоиловнинг, ҳангомада Сойиб қизиқнинг қўлини баланд кўтаришганда қарсаклар билан бизни қўллаб турди.

Дарвоқе, китоб хусусида. Шукур Қурбон бу гал ҳам пишиқлик қилди. Китобидан анча олиб борган экан. Мухлислар қуршовидан қутулиши қийин бўлди. Бундай тадбирлар тез-тез ўтказилса, ёмон бўлмасди. Бўрсилдоқ нон каби босмахона «тандири»дан янги узилган китоблар ҳеч кимни беэътибор қолдирмади.

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ**



## ШИЖОАТ ВА ФАОЛЛИК НАМОЙИШИ

*Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан «Биз — бир жамоа, биз — бир оила» ижтимоий акцияси ўтказилмоқда.*

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижроси доирасида ташкил этилаётган мазкур акция Фарғона шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унинг асосий тадбирлари Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғи, Фарғона давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали, Фарғона санъат коллежида ташкил этилди.

Акция доирасида ўтказилган "Ахборот технологиялари мактаби", "Дискуссион клублар" тақдимоти, "Ёшлар журналистикаси тараққиёти" каби семинар-тренингларда ёшлар фаол қатнашди.

Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежида ташкил этилган "Таълим ва карьера" кўргазмасида вилоятдаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчилар иштирок этди. Тадбирда таълим маскани битирувчиларининг кичик бизнес соҳасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш, истиқболли инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш каби долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўтказилган меҳнат ярмаркасида Фарғона шаҳридаги юздан зиёд корхона ва ташкилот мавжуд бўш иш ўринларини таклиф қилди.

— Ярмаркада 491 нафар ёш мутахассис ишга кириш учун йўлланма олди, — дейди Фарғона шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Муҳаммадали Эминов. — Шунингдек, йигит-қизларга меҳнат қонунчилиги бўйича тегишли маслаҳатлар берилди.

«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг «Ҳаёт учун» оила форум-марафонида Фарғона шаҳридаги таълим муассасаларининг 500 нафарга яқин ёшлари қатнашди.

**(ЎзА)**

Анъана

# Туркман киноси кунлари

*Жорий йилнинг 19 апрелидан 22 апрелига қадар «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамда Туркманистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида республикамизда Туркман киноси кунлари ўтказилади. Тадбир дастурига кўра, икки мамлакат кино ижодкорлари ўзаро ижодий мулоқотлар, мухлислар билан қизиқарли учрашувлар ўтказишади. Шунингдек, меҳмонлар учун юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш, тарихий шаҳарларимизга саёҳат қилиш имкониятлари ҳам яратилган.*







Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бундай маданий ҳамкорлик анъанавий характерга эга. Бундан бир неча йил муқаддам Ашгабатда Ўзбекистон миллий киноси кунлари ўтказилган, унда «Меҳробдан чаён», «18-квадрат», «Чашма», «Ўтов», «Осмондаги болалар», «Имом Бухорий» сингари йигирмадан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилиб, туркман томошабинлари томонидан илиқ кутиб олинган эди.

Мамлакатимизда ўтказиладиган Туркман киноси кунлари доирасида ўзбек кино мухлисларига тақдим этиладиган катта экран асарлари «Туркманфильм» студиясида суратга олинган «Ўғил», «Беллашув», «Тушда ва ўнгда», «Тақдир йўлларида», «Сомон йўли», «Нақш», «Туркман гиламлари» сингари бир қанча бадиий ва ҳужжатли фильмлардан иборат. Уларда туркман халқи ҳаётининг манзаралари турли ракурсларда ўз ифодасини топган. Масалан, 1963 йилда тасмага муҳрланиб, давлат мукофоти билан тақдирланган режиссёр П.Мансуровнинг «Беллашув» асари туркман кино хазинасининг энг нодир намуналаридан бири саналади. Унда ака-укаларнинг ўзаро меҳр-оқибати таъсирли лавҳаларда ҳикоя қилинади.

1989 йилда суратга олиниб, халқаро фестивалларда эътироф этилган «Ўғил» картинасида эса авлодлар давомийлиги акс эттирилган. Таниқли бахшининг ўғли отасининг урушда эканлигидан, ота ҳам яккаю ягона ўғлининг дутор чалиш санъатини давом эттира олмаётганидан хавотирда. Қувонарлиси шундаки, ўғил отасининг изидан бориб, таниқли бахшидан дутор чалишни ўрганади. Ота урушда ҳалок бўлади, аммо унинг санъатини ўғли асраб қолади.

2009 йилда катта экран сари йўл олган режиссёр К.Ананновнинг «Сомон йўли» фильмида ўлмас инсоний фазилатлар ҳақида сўз юритилади. Фильм қаҳрамони Гулдурзи даҳшатли зилзилада йўқотиб қўйган ўғлини бир умр қидиради. 80 ёшга тўлганида почтачи унинг ўғли тирик ва соғ-саломатлиги ҳақида хушхабар олиб келади. Ниҳоят она ва ўғил учрашади. Аммо иккаласининг хаёлида ҳам бир хил ўй: «Ҳақиқатан ҳам у менинг онаммикан?», «Шу менинг ўғлимми?»

Яхшилик ва ёмонлик беиз кетмаслигини таъкидловчи режиссёр Я.Шодурдиевнинг «Тақдир йўлларида» картинаси 2005 йил суратга олинган бўлиб, унда Омон исмли йигитнинг тақдир йўли ҳақида ҳикоя қилинади. У уч ёшли қизи Бике ва хотини Султонни ёлғиз қолдириб, бегона аёл ёнига кетади. Орадан 20 йил ўтиб, Бике яхши шифокор бўлиб етишади. Тунларнинг бирида у ишлайдиган касалхонага оғир аҳволдаги кекса бир беморни олиб келишади. Бу унинг отаси эди. Бике ўзининг бор маҳоратини ишга солиб, беморнинг умрини сақлаб қолади.

Боқий анъана ва қадриятларни улуғлашга катта урғу берилган «Туркман гиламлари», «Менинг қушим — лочин», «Нақш» сингари ҳужжатли фильмлар ҳам томошабинларга манзур бўладиган асарлар сирасига киради.

Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган тадбирнинг очилиш маросими 19 апрель куни Алишер Навоий номли кино саройида бўлиб ўтади. Фильмлар 19, 20, 21 апрель кунлари мазкур кино масканида, 20 апрель куни Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида, 22 апрель куни эса Бухоро шаҳридаги мусиқали драма театрида намойиш этилади.

Мамлакатлар ўртасидаги маданий ва гуманитар соҳадаги бундай ҳамкорлик икки қардош халқ ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Фозил ЖАББОРОВ,**
**«Hurriyat» мухбири**

Спорт

## Шахматчиларимиз ғалабаси

**Брунейда шахмат бўйича «Брунеи Сампомансес Мемориал Грандмастер Опен — 2012» халқаро турнири бўлиб ўтди. Швейцария усулида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан келган қирқ нафар шахматчи ғолиблик учун ўзаро баҳс олиб борди.**



Эътиборлиси, халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Тўққиз имкониятдан олти ярим очко жамғарган самарқандлик гроссмейстер Марат Жумаев турнир ғолибига айланди. Яна бир шахматчимиз, халқаро тоифадаги спорт устаси Жаҳонгир Воҳидов ҳам 6,5 очко жамғарди. У фақатгина қўшимча кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўринни эгаллади. 17 ёшли иқтидор эгаси тўққиз партиядан бештасида зафар қучди ва уч маротаба дуранг ўйнади.

## Юрак хуружи туфайли

**Италиянинг «Ливорно» жамоаси аъзоси Пьермарио Морозини юрак хуружи туфайли оламдан ўтди. ANSA ахборот агентлигининг хабар беришича, ушбу нохуш воқеа ўйин пайтида рўй берган.**



«Ливорно» B сериядан ўрин олган «Пескара» клубига қарши кечаётган учрашувнинг 31-дақиқасида футболчи тўсатдан ҳушини йўқотган ва майдонга йиқилган. Шифокорларнинг барча саъй-ҳаракатларига қарамасдан, 25 ёшли футболчи тез ёрдам машинасида касалхонага олиб кетилаётганда вафот этган.

Футболчининг ўлими сабабли учрашув давом эттирилмаган. Бундан ташқари, 14-15 апрель кунларига белгиланган барча ўйинлар бекор қилиниб, бошқа муддатга қолдирилган.

## Кличко – Томпсон: ким кучли?

**Sport.ru сайти тарқатган хабарда қайд этилишича, украиналик боксчи Владимир Кличко ва америкалик «чарм қўлқоп» устаси Тони Томпсон ўртасидаги IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги учун жанг ўтказилади. Жанг шу йилнинг 7 июль куни Швейцариянинг Берн шаҳрида ташкил қилинади.**



Шу муносабат билан украиналик оғир вазнли боксчи оммавий ахборот воситаларига интервью берар экан, мазкур учрашув ва рақиби тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Унинг таъкидлашича, Томпсон профессионал фаолияти давомида дуч келган боксчилар орасида энг кучли рақиблардан биридир. «Бўлғуси рақибим — ниҳоятда кучли, боз устига у чапақай, — деди В.Кличко. — Қолаверса, Тони яхшигина техникага ҳам эга. Сўнгги кетма-кет ғалабалари эса унга катта ишонч туҳфа этган. Демак, шиддатли жанг бўлади. Мен 7 июлни сабрсизлик билан кутяпман».

**Ойбек АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

Тафаккур тадрижи

# Астроном Умар Ҳайём даҳоси

**Биласанми, нечун хўроз ҳар саҳар**
**Туриб мотамсаро оҳ-нола қилар?**
**У бизга дейдики: "Тонг ойнасида**
**Умрингдан туп ўтди, дунё бехабар!"**

Бу рубоий XI асрнинг машҳур шоири, файласуфи, математиги ва астрономи Умар Ҳайём қаламига мансублигини кўпчилик яхши билади. Лекин унинг астроном сифатида нималар қилганлигидан ҳаммамиз ҳам хабардор эмасмиз. Ваҳоланки, олимнинг астрономия соҳасидаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Айниқса, у ўз астрономик кузатишлари асосида "Маликшоҳнинг астрономик жадваллари" ("Маликшоҳ зижи")ни тузганини таъкидлаш ўринлидир. Унда Қуёш, Ой ва бошқа осмон жисмларининг ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари юзга яқин равшан юлдузларнинг координаталари ҳам келтирилган. Ҳозир бу асарнинг бир нусхаси Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.





Буюк шоирнинг астрономияга қўшган яна бир катта ҳиссаси қуёш тақвими ислоҳига тегишлидир. Кейинчалик шамсий-ҳижрий календарь деб ном олган бу тақвим узоқ тарихга эга бўлиб, унинг келиб чиқишида қадимий Ездигерд III календари эрасининг (бошланиши 632 йилнинг 16 июнига тўғри келади) таъсири катта бўлган. Ездигерд III календарида йилнинг узунлиги ўн икки ойдан иборат бўлиб, дастлабки ўн бир ойи 30 кундан, ўн иккинчиси эса 35 кунли эди. Солномада йилнинг ўртача узунлиги 365 кунга тенг қилиб олинган.

Ездигерд календарида ойлар фарвардин, урдибеҳишт, ҳурдод, тир, мурдод, шаҳривар, меҳр, абон, азор, дай, бахман ва исфандармуз каби номлар билан юритилиб, йилбоши баҳорги тенгкунликка (Григориан календари бўйича 21 мартга) тўғри келади. Бироқ бу календарда йилнинг узунлиги ҳақиқий қуёш йилининг узунлиги — тропик йилдан салкам 0,25 суткага камлигидан, йиллар ўтиши билан унинг йилбошиси ҳақиқий баҳорги тенгкунликдан четлашиши, аниқроғи, илгарилаб кетиши маълум бўлди. Натижада ҳар 120 йилда хатолик қарийб бир ойга етиши аниқланди. Мазкур хатоликни тузатиш учун Ездигерд календарида 120 йилда 13-ой қўшимча қилиб киритилди.

Маълумки, қуёш календарининг аниқлиги Қуёшнинг Ер атрофида йиллик кўринма айланиш даврининг қанчалик аниқ белгиланиши билан боғлиқ. Бу борадаги энг катта ютуқ эрамиздан олдинги IV асрда Мисрда қўлга киритилган. У даврда мисрлик астрономлар тропик йил, яъни Қуёшнинг Ер атрофида кўринма айланиш даврини 365 куну 6 соатга тенг деб белгилаганлар. Бу тропик йилнинг ҳақиқий узунлигидан 11 дақиқа 14 сонияга ортиқ эди, холос.

Тропик йилнинг мазкур узунлигига асосланган биринчи қуёш календари Рим саркардаси Юлий Цезарнинг илтимосига кўра, эрамиздан олдин 46-йилда александриялик астроном Созиген томонидан тузилган. Кейинчалик Юлий Цезарь шарафига Юлиан календари деб ном олган бу солноманинг ҳар тўртинчи йили (яъни 4 га қолдиқсиз бўлинадиганлари) кабиса йили дейилиб, унинг узунлиги 366 кунни, қолган йиллар эса оддий йиллар ҳисобланиб, 365 кунни ташкил этди.

Умар Ҳайём қуёш календари хатолигини камайтириш мақсадида кабиса йилларини Юлиан календаридан фарқ қиладиган янги комбинация билан ишлатишни таклиф қилди. Унинг лойиҳасига кўра, ҳар ўттиз уч йиллик даврнинг дастлабки 28 йили давомида келадиган кабиса йиллари юлиан календаридаги каби еттита кабиса йилидан, саккизинчи кабиса йили эса, одатдагидек уч йилдан сўнг эмас, балки тўрт йилдан сўнг бешинчи йили қабул қилинадиган бўлди. Натижада бу календарда саккизта кабиса йили, Юлиан календаридаги каби 32 йил ичида эмас, балки 33 йиллик давр билан қўшиладиган бўлди. Бинобарин, Умар Ҳайём календарида йил узунлиги 365 суткаю 5 соат, 49 дақиқага тенг қилиб олинган эди.

Ҳақиқий йилнинг узунлиги 365 суткаю 5 соат, 48 дақиқа, 46 сония эканини эътиборга олсак, Ҳайём календарининг хатолиги ҳар йили атиги 19,5 сонияни ташкил қилади, холос. Қарийб 16 аср амалда бўлган Юлиан календаридаги хатолик 128 йилда бир сутка, кундалик турмушимизда ишлатилаётган Григориан календарида эса, 3300 йилда бир сутка хатолик кузатилгани ҳолда, Умар Ҳайём календаридаги хатолик бир суткага етиши учун 4500 йил керак бўлади! Бу йилноманинг аниқлик даражаси қанчалик юқори эканини кўрсатади.

Бу календарь "Умар Ҳайём календари" дейилиши билан бирга кўпинча Маликшоҳ шарафига Жалолий календари (Маликшоҳнинг тахаллуси Жалолиддин бўлган) деб ҳам юритилган. Жалолий календари Эронда XIX асрнинг ўрталаригача қўлланилгач, ўн икки йиллик мучал цикли (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит ва тўнғиз) билан юрадиган хитой-мўғул календарига ўтилди. Бироқ бу календарнинг умри қисқа бўлиб, 1911 йилгача ишлатилди. Сўнг йилнинг боши яна баҳорги тенгкунлик билан мос келадиган Бурж календарига ("бурж" — "зодиак", "юлдуз туркумлари" маъносини англатади) ўтилди. Бу тақвимда ойлар Қуёшнинг йиллик кўринма йўли соҳасида (зодиак бўйлаб) жойлашган юлдуз туркумларининг номлари билан ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула, мезон, ақраб, қавс, жадди, далв ва ҳут деб юритилди.

Гарчи бу календарда ҳам йилбоши баҳорги тенгкунликдан бошланиб, оддий йилнинг узунлиги 365, кабиса йилларини 366 кун бўлса-да, Бурж календари ойларида кунларнинг сони доимий эмас (29, 30, 31 ва 32 кунлардан иборат). Шунинг учун ҳам кўп ўтмай, аниқроғи, 1926 йилнинг 21 мартида (Григориан календари бўйича) Эронда янги қуёш-ҳижрий календари жорий қилинди. Бу календарнинг эраси ҳижрий, яъни 622 йилнинг тенгкунлигидан бошланиб, оддий ва кабиса йилларининг узунликлари Григориан календаридагидек, мос равишда, 365 ва 366 кундан қилиб олинган эди. Ҳар йилнинг узунлиги 12 ойдан, бунда йилнинг дастлабки 6 ойи 31 кундан, кейинги бештаси эса 30 кундан ва охирги ойи оддий йиллари 29 кундан, кабиса йилларида эса 30 кундан қилиб белгиланган. Ушбу календарда кунлар сонининг юқорида қайд этилганидек тақсимланиши, тасодифий эмас. У Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракати даврини ўзида акс эттиради. Гап шундаки, Қуёш ўзининг йиллик кўринма йўли — эклиптика бўйлаб нотекис ҳаракатланиб (Ер Қуёшнинг атрофида нотекис айлангани туфайли), йўлининг биринчи ярмини, яъни 21 мартдан 23 сентябргача бўлган қисмини 186 кунда, иккинчи ярмини эса 179 кунда ўтади.

Хуллас, қуёш-ҳижрий календари бўйича навбатдаги 1391 йилнинг боши — Наврўз (1-фарвардин), ой-ҳижрий календари бўйича 1433 йилнинг тўртинчи — рабиуас-соний ойининг 27-сига тўғри келади. Григориан календари бўйича у 2012 йилнинг 21 мартидан бошланади.

**М.МАМАДАЗИМОВ,**
**профессор**

ФИКРДАН ФИКР УНАР

Урушларда эришилган ҳар қандай ғалаба — мағлубиятдир.

* * *

— Сув нимани тоза қилмайди-а?!
— Кўнгилни.

* * *

— Ниманинг кичиги йўқ?
— Ёмонликнинг.

* * *

— Қандай хиёнатни кечириш мумкин?
— Қилинмаган хиёнатни.

* * *

Душманинг кўзини ўйма: соғ бўл, бой бўл, бахтли бўл... Кўрсин!

* * *

Ҳавас қил, аммо уни улғайтирма — ҳасадга айланади.

**Мансур ЖУМАЕВ**

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.*

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Давронбек ОРИПОВ
Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

Адади: 10839 Буюртма — Г-455 1 2 3 4 5